

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ

“Миллий ғоя ва фалсафа”
кафедраси

4151500 “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ
таълими” йўналиши IV курс 3-46 гуруҳ талабаси

НОРБОЕВ ОБИДНИНГ

**“МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИДА
ИСЛОМ ДИНИНГ ЎРНИ”**

мавзусида ёзган

БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ

Ҳимоя учун қабул қилди “ Миллий
ғоя ва фалсафа” кафедраси мудири
ф.ф.н. С.Исмоилов _____
“ _____ ” _____ 2011 йил

Илмий раҳбар «Миллий ғоя ва
фалсафа» кафедраси мудири
ф.ф.н. С.Исмоилов _____
“ _____ ” _____ 2011 йил

Мавзу: МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИДА ИСЛОМ ДИНИНИНГ ЎРНИ

Р Е Ж А :

К И Р И Ш

I- БОБ. ИСЛОМ ДИНИНИНГ ЖАМИЯТ МАЪНАВИЙ ҲАЁТИДА ТУТГАН
ЎРНИ.

1.1. Ислом таълимоти ва жамият ҳаёти.

1.2. Мустақиллик ва ислом таълимоти.

II- БОБ. МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИ

2.1. Мафкуравий тарбия тушунчаси.

2.2. Миллий ғоя тарғиботининг воситалари.

III-БОБ. ИСЛОМ ДИНИ - МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИНИНГ МУҲИМ
ОМИЛИ.

3.1. Ислом динидаги бунёдкор ғоялар.

3.2. Ислом дини ғоявий тағибот воситаси сифатида.

Х У Л О С А

ҒОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ
ИЛОВАЛАР

К И Р И Ш

Ислом динининг жамият ҳаёти ва ривожигаги ўрни аҳамиятлидир. Мустақиллик йилларида ислом ёшларимизни миллий ғурур, ватанпарварлик, инсонпарварлик руҳида тарбиялаб, ижтимоий тараққиётнинг қудратли ва таъсирчан омилига айланади. Ислом миллий мафкурамиз заминлари бири бўлиб мамлакат ижтимоий тараққиётнинг қудратли омилига айланди.

Замонамиз ёшлари тўғрисида гапирар эканмиз, бу жараёнда ислом динингбаркамол шахсларни тарбиялаш борасидаги бой ва кучли таъсир воситаларидан бири эканлигини қайд этиш зарурдир.

Ислом Каримов ислом диннинг Ўзбекистон фуқаросини тарбиялашдаги катта роли тўғрисида «биз дин бундан буён ҳам аҳолини энг олий руҳий-ислом диний ва маънавий диний қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиш тарафдоримиз», деб таъкидлайди. Президентимиз И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» ва «Оллоҳ қалбимизда ва юрагимизда» китобларида динга нисбатан юртимиздаги муносабатларга ойдинлик киритади.

Истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлабқў Ўзбекистонда яшаб фаолият кўрсатаётган турли конфессиялар вакиллариининг маънавий дунёси, эътиқод эркинлиги учун йўл очилди. Ҳукуматимиз дин маънавий-маданий ҳаётнинг узвий қисми эканидан келиб чиқиб, унга бўлган муносабатни тубдан ўзгартирди. Мамлакатимиз раҳбарияти ўзининг динга муносабатини "Дунёвийлик-дахрийлик эмас" тамойили асосида аниқ ва принципиал белгилаб олди.

Бугунги кунда мамлакатимизда турли эътиқодга мансуб диний ташкилотлар ўртасида мурося ва ҳурмат ўрнатилиши учун барча шароитлар яратилган. Кўпконфессияликнинг реал ижтимоий ҳолат эканлиги ва унинг келажакда ҳам сақланиб қолишини ҳисобга олган ҳолда диний бағрикенглик учун тўла шароитлар яратилмоқда.

Дин давлат сиёсатига аралашмайди. Шу билан бирга ҳар қандай дин, аввало, маънавий-ахлоқий ҳодиса бўлиб, у халқнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётини тўлалигича ўзида мажассамлаштиришга даъво қилолмайди. Акс ҳолда, дин ўз мақсад ва вазифаларидан четлашиб кетади. Шундан келиб чиқиб, республика қонунларида диний-сиёсий партиялар тузиш тақиқланади. Дунёвий давлат тузуми амал қилаётган Ўзбекистонда барча динларга бир хил ва тенг муносабатда бўлиш бугун ҳаётий воқеликка айланди.

Дин ва давлат муносабатларини мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Дин ишлари бўйича қўмита фаолият кўрсатмоқда. Унинг асосий вазифалари: виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ диний масалаларни ҳал қилишда ягона сиёсатни амалга ошириш, давлат органларининг республика ҳудудида жойлашган диний ташкилотлар билан алоқасини амалга ошириш, диний ташкилотлар ва уларнинг аъзолари ўртасида ўзаро бир-бирини тушиниш ва сабр-тоқатлилиқни мустаҳкамлаш сиёсатини ўтказиш, республика ва чет элларда диний ташкилотлар ўртасида алоқалар ўрнатилишини ташкил этиш, фуқароларнинг мамлакат ташқарисидаги муқаддас жойларга зиёратга бориши, халқаро анжуманлар ўтказилишини ташкил қилишдан иборат.

Юртимизда диний бағрикенглик (толерантлик), конфессиялараро ҳурмат, бир-бирини тушуниш асосий ҳаётий тамойиллардан бирига айланган.

Толерантлик (лотинча «tolerare» - чидамоқ) ўзгача фикр ёки қарашни, ўз шахсий тушунчаларидан қатъи назар, имкон қадар бағрикенглик ва чидам билан қабул қилишни англатади. Бағрикенглик турли дин ҳамда конфессия вакиллари эътиқодида ақидавий фарқлар бўлишига қарамай, уларнинг ёнма-ён ва ўзаро тинч-тотув яшашини тақозо этади.

Бу ҳақда республикаимиз Президенти Ислом Каримов шундай дейди: «Мусулмонлар ва христианларнинг Ўзбекистон заминида биргаликда ҳамнафас бўлиб яшаши диний-маънавий тотувликнинг нодир тимсоли ва

барча дин вакилларига нисбатан бағрикенгликнинг энг яхши намунаси деб хисобланишига арзигуликдир».

Ўтган 20 йил мобайнида бу йўналишда муайян натижаларга эришилди. Энг асосийси – бағрикенгликнинг муҳим омилларидан бири бўлган миллатлараро ва динлараро тотувлик таъминланди. Бугун Ўзбекистон Республикасида 16 конфессияга мансуб диний ташкилотлар расмий рўйхатдан ўтган. Республикада Имом Бухорий номли Тошкент ислом институти, 9 та ўрта-махсус ислом билим юрти ҳамда православ ва протестант семинариялари фаолият кўрсатмоқда.

Ҳозирги куннинг энг асосий вазифаларидан бири – халқимизнинг диний эътиқодига зид бўлган ақидаларнинг минтақага кириб келишининг олдини олиш, анъанавий, маърифий, мўътадил исломни ёт ғоялардан соф ҳолда сақлашдан иборат.

Мавзунинг долзарблиги: Ўзбекистон Конституциясининг давлат ва дин муносабатлари масаласига тааллуқли асосий бандлари ривожланган жамиятларнинг ҳуқуқий меъёрларига мос келади. Конституциянинг 18, 31, 61-моддалари ҳамда "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонуннинг (янги таҳрири 1998 йил 1 майда қабул қилинган) ҳар бир инсоннинг хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқини таъминловчи, диний қарашларни мажбуран сингдиришни тақиқловчи бандлари миллий, ирқий ва диний келиб чиқишидан қатъи назар, жамиятнинг барча аъзолари ўртасидаги тотувликни ҳаётга татбиқ этиш учун ишончли асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Умумэътироф этилган демократик ва ҳурфикрлик тамойиларига асосланган давлат ва дин ўртасидаги муносабатларни Ўзбекистон Республикаси фуқаролари онгига чуқур сингдириб бориш, ҳар қандай фундаменталистик ва экстремистик ҳаракатларнинг олдини олиш — жамиятимиз олдида энг муҳим вазифалардандир.

Ислом динининг ғоялари ва ислом диний мафкура ҳар қандай жамият учун зарурдир. Чунки мамлакатлар ўз тараққиётини мафкура орқали

белгилаб оладилар. Шунинг учун ҳам бизда миллий мафкурани шакллантириш ҳаётий эҳтиёж даражасига кўтарилди.

Бу масалага, Президентимиз асарлари ва бевосита динга тааллуқли бўлган мақолаларининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда ёндашувимиз керак.

Ислом ҳақиқатга, ҳурфикрлиликка даъват этиши билан кўпчиллика мақул таълимот ҳисобланади. Шу маънода унинг ғоявий тарбия, тарғибот ва ташвиқот жараёнидаги жиҳатларини ўрганиш аҳамиятлидир.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Мазкур битирув-малакавий ишнинг мақсади ва ислом динининг моҳият-мазмуни ва унинг ғоявий тарғибот жараёнидаги ўрнини ўрганиш иборат бўлиб, шу мақсадда БМИда қўйидаги вазифаларни қўйдик:

- ислом динининг моҳият-мазмунини ўрганиш;
- ислом динининг тарихий илдизларини ёритиб бериш;
- ислом динининг жамият маънавий ҳаётида тутган ролини аниқлаш;
- Юртимиз дин ва ислом йўлида эришган ютуқларини қайд этиш;
- ислом динининг бунёдкор ғояларини баён этиш;
- ислом динининг ғоявий тарғиботусулларидан бири сифатида тадқиқ қилиш;
- ислом динининг ғоявий тарғибот ва ташвиқотдаги ўрнини таҳлил этиш ва бошқалар.

Ишдаги илмий янгиликлар ва эришилган натижалар.

Битирув-малакавий ишимизда ислом динини ғоявий тарбийнинг муҳим омили сифатида тадқиқ қилиш, диний ва ғоявий тарбия ва тарғиботнинг мақсади ва вазифалари, уларнинг аҳамияти ҳамда алоқадорлигини ёритишга ҳаракат қилдик. Юртимизда ислом динининг ўрнинини таҳлил қилган ҳолда, унинг маънавий соҳадаги ўрни ҳақида сўз юритилади.

Мавзунинг ўрганилиши даражаси. Мавзуни ёритишда исломга оид Президент асарлари, Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа илмий ва оммавий адабиётлардан фойдаландик.

Адабиётлар орасида Қуръони карим ва Ҳадиси шариф каби исломга оид асарлар катта аҳамиятга эгадир. Жумладан, Қуръони каримнинг Абдулазиз Мансур ва Оловуддин Мансур таржималари ва Имом Бухорий ва Имом Термизийнинг ҳадислари ва бошқа асарлардан фойдаландик.

Республикамизда мустақиллик йилларида чоп этилган исломга оид бир қатор китоблар, рисоалар ва илмий мақолалар, ИНТЕРНЕТ сайтларидаги маълумотлардан ихтибослар келтирдик.

Ишнинг амалий аҳамияти. Мазкур битирув-малакавий ишимизда келтирилган маълумотлардан “Тасаввуф ахлоқи”, “Ислом диний ва маънавият” курсларида, “Диншунослик”, “Маънавият асослари” каби фанларидан маъруза, реферат, курс ишлари ёзишда, семинар машғулотларига тайёргарлик кўришда фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари умумтаълим ва АЛ ҳамда КХКларида ўқитиладиган Диншунослик ва бошқа ижтимоий фанлардан сабоқ бераётган ўқитувчиларга ёрдамчи материал сифатида фойдаланиш мумкин.

БМИ тузилиши. Мазкур битирув-малакавий ишимиз: Кириш, уч боб, Хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб 70 курси курси бетни ташкил этади.

ЎЗБЕКИСТОНДА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ДАВЛАТ ВА ДИН ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИНГ МУСТАҲҚАМЛАНИШИ.

1.1.Дунёвий жамият ва дин.

Диний эътиқод инсоният тарихининг барча босқичларида маънавий-маданий ҳаётнинг муҳим омили бўлиб келган. Модамики, шундай экан, дин барча мамлакатлар ва жамиятларнинг маънавий-маданий ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётига бевосита ўз таъсирини кўрсатиб келган. Алоҳида таъкидлаш жоизки, «Дунёвий жамият» тушунчаси орқали ифода этиладиган мамлакатлар ҳам ушбу умумий қонуният ичидадирлар. Қолаверса, даҳрийликни тарғиб этишга асосланган коммунистик жамиятлар тараққиёти ҳам мазкур қонуниятдан ташқарида бўлиш мумкин эмаслигини яна бир қарра ишончли тарзда исботлаб берди.

Ҳаётий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, XX асрнинг сўнги давларида худосизлик ғоялари тарғиб этилган мамлакатлар тараққиётида мафкуравий бўшлиқ вужудга келди. Оқибатда бу бўшлиқдан, муайян диний дунёқарашга таянган ғоявий оқимлар эгаллаши учун имконият туғилди.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақил тараққиёт йўлида ушбу фикрни нақадар тўғри эканлигини ҳаёт синовидида кўрди.

Бинобарин ҳар бир маданият тағзаминида муайян диний дунёқараш ётиши шубҳасиз. Мазкур мантиқдан келиб чиққан ҳолда, ҳулоса қилиш мумкинки, Марказий Осиёнинг туб халқлари, хусусан ўзбеклар маданияти ривожини негизида, ислом дини ётгани инкор этиб бўлмас ҳақиқатдир. Бундан чиқадики, ҳар қандай миллий ўзликни англаш жараёни, шубҳасиз, тегишли маданият тағзаминида ётган диний қадриятларга қизиқишни оширади. Бошқача қилиб айтганда, диний эътиқоднинг ҳаётдаги табиий мақомининг тикланишига олиб келади. Шуни таъкидлаб ўтиш зарурки ҳар қандай маданият ривожланишида диний концепцияларнинг таъсири бўлган ва бўлади.

Ана шу ерда миллий ўзликни англаш ва диний омилнинг реал ҳаётдаги мақоми ўртасидаги мувозанатни бузилиш хавфи туғилади. Ушбу хавф миллий ўзликни англаш ва диний уйғониш жараёнларининг ёнма-ён ривожланиб бориши шунинг учун ҳам уларнинг бир-бири билан қўшилиб, чалкашиб кетиши осонлиги, айрим ижтимоий гуруҳлар томонидан баъзан алдаш, баъзан эса онгли тарзда, уларнинг бир жараёнининг икки қутби деб идрок этилиши туфайли кучайиши мумкин.

Айнан шу омил Ўзбекистонда ҳам, ўтиш даврида, яъни ҳали Истиқлол мафкураси тўла шаклланмаган, мураккаб изланишлар жараёни давом этаётган пайтда турли-туман диний, жумладан сиёсийлашган исломий оқимларнинг мазкур бўшлиққа «суқилиб» киришини енгилаштирди, дейишга етарли асослар бор. Соф диний эътиқоднинг ижтимоий ҳаётдаги табиий мақомини тиклашга қаратилган интилиш, ҳар хил ички ва ташқи омиллар таъсири остида сиёсийлашган ғаразли гуруҳлар ва шахслар томонидан суистеъмол қилинишига шароит туғилди.

Марказий Осиёдаги янги мустақил давлатлар, айниқса, Тожикистон тажрибаси ушбу фикрни тўла тасдиқлайди. Қолаверса аҳолисининг мутлақ кўпчилигини мусулмонлар ташкил этувчи айрим бошқа мамлакатлар тараққиёти, айниқса, Жазоир Республикаси тажрибаси мазкур омилнинг, яъни диннинг сиёсийлашув, сиёсий мақсадларга эришув йўлида унинг нодемократик зўравонлик услубларидан фойдаланишга киришиб кетиши мумкинлигини кўрстиб турибди.

Республикаимиз тараққиётининг ҳозирги босқичи хусусиятларини назарда тутган ҳолда таъбир жоиз бўлса, бошқалар хатосидан тўғри сабоқлар чиқариш, айрим мамлакатларда юз берган ва давом этаётган жараёнларни келтириб чиқариш мумкин бўлган хатарли омиллар ривожланишининг олдини олиш бугун барчамизнинг асосий вазифамиздир. Бу ишни амалга оширишда, айниқса иқтидорли диншунос ва жамиятшунос мутахассисларнинг зиммасидаги масъулият ўзининг алоҳида салмоғи билан ажралиб туради.

Ўзбекистонда вужудга келган бугунги диний вазиятни келтириб чиқарган омиллар таҳлили уларнинг хилма-хил ва кўп сонли эканлигини кўрсатади. Мисол учун, мусулмонлар конфессияси ички барқарорлигини бузаётган диний тарафкашлик-гурухбозликни олайлик. Ўрта асрларда умуман Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон мусулмонлари учун диний фирқачиликнинг ёт бўлгани асосий сабабларидан бири-минтақамизда ўзига хос Мовароуннахр мусулмон қонунчилиги-фикҳ мактабининг юксак ривожлангани, унинг бошқа мактаблар таъсирида эмас, аксинча, у мусулмон қонуншунослигининг бошқа мактаблага ўз таъсирини кўрсатиб тургани билан боғлиқ эди. Бошқача қилиб айтганда, Марказий Осиё ва хусусан Ўзбекистонда шундай илоҳиётчи уламолар бўлганки уларнинг даҳоси олдида бутун мусулмон дунёси бош эгиб турган. Шунинг учун ҳам мусулмон дунёси Марказий Осиёга таъсир ўтказиш минтақаси эмас, аксинча, диний масалаларда ҳам ундан ўрганишга муносиб сарчашма сифатида қаралган.

Рус истилосидан сўнг, хусусан, совет даврида Исломга нисбатан ўтказилган тазийқ натижасида энг салоҳиятли илоҳиётчи олимлар қириб ташланди. Маданий ҳаёт даражасида сақланган маҳаллий Исломга, асосан, диний билимлари саёз, узлуксиз таъқиб таъсирида радикаллашган шахслар «рахномалик» қила бошладилар. Исломнинг ижтимоий ҳаётдаги мақомининг заифлашиб бориши билан баробар, унга ташқи мусулмон дунёсининг муносабати ҳам ўзгариб борди. Ўзоқ йиллар давомида ташқи олам, хусусан мусулмон дунёси учун «ёпиқ» бўлиб қолган Марказий Осиёга, айниқса, диний таассубга ва ҳатто зўравонликка (экстремизмга) мойил ажнабий диний ташкилотларнинг қизиқиши ортиб борди. Собиқ иттифоқдаги кейинги кенг макон бўйлаб мафкуравий-ғоявий бўшлиқ ҳосил бўлди, диний даъволар билан ниқобланган муайян кучлар ўзининг бузғунчилик потенциалини намоён эта бошлади. Албатта, уларнинг бузғунчи кучи ҳар хил минтақаларда турлича бўлди. Жумладан, Ўзбекистонда у ўзини чекланган, лекин айти пайтда сезиларли намаён пайтда анчагина сезиларли намаён этди. Ҳаётий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, унга бутунлай барҳам беришга

қаратилган саъй-ҳаракатлар натижаси, кўрилатган маъмурий жазо чоралари билан бир қаторда, дин ҳақида чуқур билимларга эга бўлган салоҳиятли мутахассисларнинг мафкуравий ҳаётдаги фаоллиги билан чамбарчас боғлиқ. Афсуски, мазкур омил бизнинг анчагина заиф нуқталаримиздан эканлиги кўриниб қолмоқда. Ушбу ҳолат дунёвий тараққиёт йўлини танлаган Ўзбекистон олдида қатор қийинчиликларни келтириб чиқарди.

Дунёвий жамият қуриш йўлидан бораётган давлатимизнинг динга бўлган муносабати нималар билан белгиланади, деган масала таҳлиliga киришишдан аввал «дунёвийлик» деган тушунчанинг ўзи нимани англатади, деган сўроққа жавобберишимиз керак. Ана шу муаммога аниқлик киритилган ҳолдагина мустақиллик йиллари давомида Ўзбекистонда дунёвий жамият қурилиши йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг туб моҳияти равшанлашади.

Афсуски, собиқ тузум даврида чиқарилган динга оид оммавий нашрларнинг биронтасида, юқоридаги бир қарашда жуда оддий, лекин моҳиятни атеизм билан асло ёнма-ён қўйиш мумкин бўлмаган «дунёвийлик» тушунчасини мантикий изоҳлаб берадиган илмий таърифни топиш амри маҳол. Ҳатто энг машҳур изоҳли луғатларда ҳам бу тушунчанинг аниқ таърифи берилмайди ва дунёвий-дунёвий тушунчалар ва талабларга (*яъни, гайридиний, дунёвий, фуқаровий-динийликнинг акси*) жавоб берувчи, деган анчагина мужмал изоҳ билан чекланилган.¹ Бунинг асосий сабаби, бизнинг фикримизча, тараққиётнинг дунёвий йўли собиқ мафкура «қолиплари» га тушмаслиги, яъни унинг даҳрийлик ҳам ва айна пайтда, динийлик ҳам эмаслиги билан боғлиқ. Бундан дунёвийлик моҳиятан, зикр этилган икки қарама-қарши қутбнинг оралиғида жойлашган маънавий-маданий ҳолат деган хулосага келиш мумкин. Чунки у динийликни ҳам даҳрийликни ҳам инкор этмайди, уларнинг ҳар иккаласини объектив ижтимоий ҳодиса деб эътироф этади. Бундан келиб чиқадиган мантикий хулоса шуки, дунёвийлик тушунчаси плюралистик, яъни ҳурфикирлилик тамойилига асосланади.

1 Қаранг: Ожегов С.И.. Словарь русского языка. М.изд-во «Русский язык», 1981, с 625.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг дунёвий тамойили томонидан диннинг жамият ҳаётидаги ўрнини қандай тушунилиши ҳам бағоят муҳим масала. Қисқа қилиб, ушбу тушунчани диннинг ижтимоий ҳодиса сифатида илмий тушунишга асосланган ёндашиш, деб таърифлаш мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда, дунёвий жамият қуриш пировард умуммиллий мақсад даражасига кўтарилган мамлакатларда дин, ҳар қандай бошқа объектив ҳаётий ҳодисалар каби, муҳим ижтимоий-маданий омил сифатида эътироф этилади. Шунинг учун ҳам бугунги халқаро ҳамжамятнинг мутлақ кўпчилигини ташкил қилган демократик дунёвий давлатлар тажрибаси улар тараққиётининг тамал тоши бўлиб хизмат қилаётган ғоя асло худосизликка асосланмаган, яқин ўтмишимиздаги ўхшаш дахрий жамиятни англамаслигини кўрсатиб тургани исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

Дунёвий тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатлардаги динга бўлган муносабат демократик плюрализм, яъни ҳурфикрлилик тамойилига асослангани туфайли уларда дин ҳаётдаги ижтимоий-маданий ва маънавий-руҳий муҳит ранг-баранглигини таъминловчи хилма-хил тарихий қадриятлар сил-силасидаги тенг ҳуқуқли бўғин сифатида қабул қилинган.

Дунёвий тараққиёт йўлидан бораётган бизнинг мамлакатимиздаги диншунослик фани ва унинг предмети вазифалари ҳам юқорида баён этилган воқеликдан келиб чиқади. Лўнда қилиб айтганда, диншунослигимизнинг бугунги вазифаси-динга қарши кураш ёки уни ташвиқот қилиш ҳам эмас, балки динни ҳаётий ранг-барангликни ташкил этувчи ижтимоий ҳодисалардан бири сифатида ўрганиш, унинг мазмун ва моҳиятини таҳлил этиш, аниқлаш ва талабалар онгига сингдириб бориш, уларда туғилаётган саволларга ҳозиржавоб бўлиш келажагимиз гарови бўлган ёшларни диний таассуб ва ундан озиқланувчи диний зўравонлик ботқоғига тортилишининг олдини олишдан иборатдир.

Ана шу ерда дин демократик ва ҳурфикрлиликка асосланган дунёвийлик билан мураса қила оладими, деган савол туғилади. Ўзбекистон туб аҳолисининг эътиқоди бўлган Исломчи?

XX асрнинг иккинчи ярмида умуммусулмон цивилизацияси ҳудудида жойлашган айрим давлатлар тараққиёти тажрибаси афсуски, баъзиларида, хусусан, Ғарб дунёсида ислом динининг жамият ривожланишига кўрсатиши мумкин бўлган ижобий таъсири ҳақида жиддий шубҳалар туғилишига сабаб бўлди. Масаланинг таасуфли жиҳатларидан яна бири шундаки, ҳақиқий инсонпарвар Исломнинг асл моҳиятидан йироқ уринишлар, охириги йилларда айрим олимлар томонидан олға сурилаётган цивилизациялараро қарама-каршилиқ ва зиддиятлар ҳақидаги сунъий назарияларни озиклантормоқда, турли маданиятларни қиёслаш жараёнида умуммусулмон маданияти қиёфасини асосан қора бўёқларда кўрсатишга дастак бўлиб хизмат қилмоқда.

Дунёнинг кўпчилик давлатлари, хусусан, ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, дин дунёвий давлат тузуми билан нафақат муроса қилиши, балки умуммиллий юксалиш йўлида у билан самарали ҳамкорлик қилиши мумкин. Демократик давлатларда аҳолининг кўпчилигини ташкил этадиган халқнинг диний эътиқодига кўрсатилган иззат-ҳурмат билан бир қаторда, туб-этнослар учун ноанъанавий бўлган, лекин фуқароларнинг муайян қисми эътиқод қиладиган динлар, қолаверса, ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликка бир хил муносабатнинг қарор топганлиги - Қуръони каримдаги ибратли ҳикматлардан «динда мажбурлаш йўқ» деган оятнинг (Қуръон, 2;256) чуқур инсонпарварлик фалсафасини янада ёрқинроқ очиб беради.

Диннинг қурилаётган жамиятимиздаги ўрни энг аввало, унинг конституцион мақоми билан белгиланади. Ўзбекистон Конституциясига мувофиқ, барча фуқароларнинг виждон эркинлиги кафолатланган. Ҳар бир инсонга хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи берилган. Диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг давлатдан ажратилгани ҳамда уларнинг қонун олдида тенглиги белгилаб қўйилган.²

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 1992йил. 31 ва 61 моддалар.

Шу билан бир вақтда масаланинг иккинчи томонига ҳам катта аҳамият берилган. Яъни, юқоридаги мезонлар Конституциянинг 57-моддасида қуйидагича аниқлаштирилади: «Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартишни мақсад қилиб қўювчи республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, Ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади».

Президентимиз И.А.Кармовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида дунёвий жамият қуриш йўлида бораётган мамлакатимизда давлатнинг дин билан муносабатлари мазмуни ва моҳиятини белгиловчи асосий тамойиллар қаторига:

-диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;

-диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш;

- диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;

-маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўлларини излаш зарурати;

- диндан бўзғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш тамойиллари қайд этилган.³

Дунёвий жамият қуришни кўзлаган давлатимизнинг динга муносабатини белгиловчи зикр этилган конституцион мезонлар.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида; хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, Ўзбекистон, 1997, 43-44 бетлар

Президентимиз фикрлари ва «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар» ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунидан қуйидаги иккита асосий хулоса келиб чиқади.

Биринчидан, Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик ҳуқуқий ва дунёвий жамият қуриш қонфессиясида дин маданий-маънавий омиллар умумий силсиласига кирувчи барча ислом дини қаторида тенг ҳуқуқли қадрият сифатида тан олинади. Мустақил ривожланиш йилларида ушбу мезоннинг ҳаётга нечоғлик изчил тадбиқ этилаётганини фақат қалби кўр, адолатга хусумат билан муносабатда бўлган кимсаларгина инкор этиши мумкин.

Иккинчидан, соф диний эҳтиёжларни қондиришдан ташқарида бўлган ҳар қандай ғаразга эришиш йўлида диний омилдан фойдаланишга интилиш қатъиян ман этилади.

Демак давлатимизнинг динга нисбатан муносабати қандайдир конъюктур ёки муваққат тактик мулоҳазалар билан белгланмайди, балки диннинг ижтимоий ҳаётдаги муҳим омиллиги идроки ва эътирофига таянади. Ушбу эътиқод дунёвий жамият қуриш йўлидан илгарिलाётган барча демократик мамлакатлардаги каби ўзгармас ва доимийдир. Чунки давлат диннинг Ўзбекистон фуқаросини тарбиялашдаги чексиз имкониятларга ишонади. Шунинг учун ҳам Президентимиз ҳақли равишда, «биз дин бундан буён ҳам аҳолини энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиши тарафдоримиз», деб таъкидлайди. «Лекин биз, - давом этади И.А.Каримов, - ҳеч қачон диний даъватлар ҳокимият учун қурашга, сиёсат, иқтисодиёт ва қонуншуносликка аралашиш учун байроқ бўлишига йўл қўймаймиз»⁴.

Баён этилганлардан аниқ ва равшан кўриниб турибдики, жамиятимиз янгилиниши дастуридаги дунёвий давлат тушунчаси, диннинг ижтимоий-маданий ҳаётдаги ролини асло инкор этмайди. Аксинча, шаклланаётган

⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида; ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, Ўзбекистон, 1997, 44 бет.

янги шароитларда, умуман дин ва хусусан Исломнинг ижтимоий —маданий ҳаётдаги муҳим ўрни ва вазифаларининг чуқур идрокини кўрсатиб туради. Демак дунёвий табиатга эга давлатимиз диннинг баркамол инсонни вояга етказишдек нозик ва масъулиятли ишдаги чексиз имкониятларидан фойдаланишга интилади, айти пайтда, диний даъволар билан ниқобланган, аслида холис диний эътиқодга мутлоқ алоқаси йўқ, жамиятдаги ҳамжиҳатлик, миллатлараро ва динлараро тотувлик, сиёсий-ижтимоий барқарорликка таҳдид солувчи ҳар қандай уринишларга дунёвий давлат тузумининг мутлақо муросасиз эканини ҳам аниқ-равшан кўрсатиб туради. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бизнинг тушунчамиздаги дунёвий тузум — ҳар қандай маданият негизида муайян диний дунёқараш ётиши эътирофига таянади. Ўзбекона анъаналар негизида эса исломий омилнинг роли муҳимлигини тан олади.

Аслини олганда, бундай ёндашув Ватанимиз тарихида такрор ва такрор синалган тажрибалардан чиқарилган ягона тўғри хулосадир. Мозийга назар ташласак халқимиз ўз тараққиётининг энг юксак чўкқиларига диний илмлар билан дунёвий умуминсоний-ижтимоий ҳамда аниқ фанлар ривожланишининг ҳамоҳанглиги ва мутанасиблиги таъминланган пайтларда кўтарилганининг гувоҳи бўламиз. Бугунги ибора билан айтганда, бу ҳолат-дунёвийлик ва динийлик ўртасидаги мувозанатнинг ҳамда бир-бирини тўлдирувчи уйғунликнинг барқарорлиги демакдир.

Ўзоқ тарихий даврлардан сўнг Ўзбекистон тараққиётида мазкур ибратли мутаносибликни тиклаш учун қулай муҳит вужудга келди. Мамлакатимиз мўмин-мусулмонларининг мутлоқ кўпчилиги шаккланаётган янги шароитни тўғри ва шукроналар билан қабул қилиб, қарийб бир ярим аср давомида тақиб остида бўлиб келган дин билан боғлиқ табиий эҳтиёжаларини қондирмоқда. Ҳақиқий демократик дунёвий жамият қуриш режасини қатъият билан амалга ошираётган давлатимиз томонидан эътиқод эркинлигини таъминлашга қаратилган қулай имкониятлардан онгли фойдаланмоқда ва ўз миннатдорчилигини билдирмоқда. Бундан ўн тўрт йўл муқаддам бутун

Ўзбекистонда катта хавотирлар билан фаолият кўрсатган атига тўқсонга етар-етмас масжид ўрнида бугун мусулмонлар хоҳиш-иродаси билан давлатнинг хайрихоҳлигида очилган минглаб масжидларда қилаётган ибодатларида Оллох таълодан Ватанимиз равнақи, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашни илтижо қилмоқда муборак Ҳаж ва Умра ибодатларига айнан шу дунёвий жамиятни барпо қилишни бош мақсад қилиб қўйган давлат томонидан яратилаётган имтиёзли имкониятлар туфайли бориб келмоқдалар.

Мустақил ривожланиш йиллари Ўзбекистон шароитида диннинг ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ўрни тубдан ўзгарди. Бунинг асосий сабаби — мамлакатда дунёвий демократик адоватли ҳуқуқий жамият қуришни ўзининг бош мақсади қилиб қўйган ислохатчи давлатнинг динга, хусусан туб аҳолининг эътиқоди бўлган-Исломнинг умуммиллий тараққиётда ўйнаши мумкин бўлган ижобий ролига бўлган ишончидир.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг дунёвий жамиятда диний омилнинг ҳақиқий ўрни ҳақидаги тасаввури тобора такомиллашиб, асосан, демократик мезонларга ҳамоҳанг тарзда шаклланиб борди. Бироқ турли хил, жумладан хорижий манбалардан озиқланаётган лекин асл мақсади ягона — ўзининг шахсий ва тоифавий ғаразларига эришиш учун диний ниқобдан фойдаланишга ўринаётган, давлат ва дин ўртасидаги муносабатларнинг табиий ривожланишига путур етказишни кўзлаётган унсурлар ҳам оз бўлса-да йўқ эмас.

Буни бартараф этиш кўп жиҳатдан жамиятимиз салоҳиятининг таянчи бўлган зиёлилар, хусусан уларнинг ёш авлод тарбияси билан бевосита шуғулланаётган қисмининг саъй-ҳаракатлари билан боғлиқлигига шубҳа йўқ.

1.2. Мустақиллик ва ислом таълимоти.

Ҳар қандай кўп миллатли мамлакатда миллатлараро тотувлик муҳитини яратиш катта ижтимоий-сиёсий жараёндир. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек «Ўзбекистондек кўп миллатли давлатда этнослар ҳамда миллатлар ўртасидаги муносабатлар миллий хавфсизлик тушунчасини шакиллантирувчи таъсирчан омиллардан биридир».⁵ Шу боис шўралардан кейинги маконда янги мустақил давлатлар шаклланишида этнослараро ва миллатлараро муносабатларнинг уйғунлаштиришнинг долзарблигининг аҳамияти янада ортади. Назокат ва эҳтиёткорлик билан ёндашиш лозим бўлган бу масала кўп миллатли давлатлар сирасига кирувчи Ўзбекистон Республикаси учун алоҳида долзарбдир. «Ўзбекистон – дейди И.А.Каримов,- инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий ахлоқи, сиёсий эътиқодларидан қатъий назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир».⁶

Мамлакатда демократик сиёсий ислохотларни амалга оширишга алоҳида ёндашилмоқда. Ўзбекистонда давлат қурилиши модели унинг ҳудудида тарихан таркиб топган жамиятнинг кўп миллатли таркибини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш ҳамда ушбу омилдан демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо етишдек пировард мақсад вазифаларни бажариш ғоясига асосланади.

Миллатлараро ва динлараро тотувлик жамиятнинг ўз-ўзида юзага келувчи ҳолат бўлмай, Ўзбекистон давлатининг миллий сиёсати натижасидир. Бу сиёсатни рўёбга чиқаришда давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг фаолияти муҳим роль ўйнайди. Республиканинг ривожланиши давлат нафақат иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларда, балки турли миллатлар ва динлар ўртасида

⁵ Тўраев Б., Убайдуллаев У.. Ўзбекистон минтақасида тенглик ҳимояси. -Т.: Ўзбекистон, 2001.-40 б.

⁶ Каримов И.А. «Ўзбекистон буюк келажак сари» -Т.: Ўзбекистон, 1998-15 б.

дўстона муносабатларни таъминлашда ҳам етакчи ислохотчи бўлиб қолаётганини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон кўп миллатлик ва кўп динлик шароитида миллатлараро ҳурмат ва тотувлик руҳи билан доим ажралиб турган. Мамлакат оқилона эволюцион, босқичма-босқич иқтисодий, давлат-сиёсий ва ижтимоий ислохотлар йўлини тутгани бугун кундай равшан. Ўзбек заминида истиқомат қилувчи барча миллат ва элат вакиллари бир-бирини ўзаро тушинишига ва тотувликка интилаётган республикадаги барқарорликни ўзига хос аломатидир. Шу боис «ўтиш даври» деб аталадиган энг қийин давр осойишта бузилишларсиз шок жазавага берилмай, катта-катта ташқи қарзларсиз давом этмоқда.

И.А.Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» деган китобида динга муносабатини етарли даражада аниқ ифодалаб берди: «Биз дин бундан буён ҳам ахлоқни энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиши тарафдоримиз. Лекин биз ҳеч қачон диний даъватлар ҳокимият учун курашга, сиёсат, иқтисодиёт ва қонуншуносликка аралашуш учун, байроқ бўлишига йўл қўймаймиз. Чунки бу ҳолатни давлатимизнинг барқарорлиги учун жиддий хавф хатар деб ҳисоблаймиз»⁷.

Президентимиз ўз интервьюларидан бирида: «Бу масалани ҳал қилишдаги бизнинг нуқтаи назаримиз равшан ва қатъий: дин диний ишлар билан, давлат эса – давлат ишлари билан машғул бўлиши керак»⁸.

Ҳолбуки, И.А. Каримовнинг динга анча вазмин ёндошуви диний экстремистларга сўзсиз хуш келмайди. Улар юртбошимиз томонидан Ўзбекистонни маънавий қайта тиклаш учун қилаётган саъйи ҳаракатларини йўққа чиқаришга ҳаракат қилишдан ҳам қайтмадилар.

⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари- -Т.: Ўзбекистон., 1998, 449-бет.

⁸ Ўша асар. 502-бет.

Муфти Абдурашид қори Баҳромов айтгандек: «Мустақиллик динимизни ва ислом динимизни қайта тиклаш имконини берди. Мусулмон маданиятининг ёдгорликлари, минг йиллик тарихга эга бўлган, ўзининг асрлар оша бизгача сақланиб келган нурлари билан оламни мунаввар қилаётган масжид ва мадрасалар диндорларга қайтариб берилди. Буюк аجدодларимизнинг тарихий мероси қайта тикланмоқда; энди биз ислом динимизнинг асоси бўлган ислом таълимотидан эркин фойдалана оламиз». Жаноб Баҳромов яна айтдики, «Ҳукумат раҳбарлари ва шахсан Президент Ислом Каримов мусулмонларнинг диний байрамларини юқори савияда ўтказиш учун зарур бўлган ҳамма шароитларни яратиб бермоқдалар. Масалан, ҳажга бораётган мусулмонлар учун ҳамма шароит ва диний қулайликлар яратиб берилаётганлиги, шунингдек диний байрамлар дам олиш куни деб эълон қилинганлиги мамлакат мусулмонларига нисбатан оталарча ғамхўрлик намуналаридир».

И. А. Каримов қилаётган ишларни кўриб, унинг фуқароларнинг диний маданиятини ошириш борасидаги жонбозлигига тан берасан. Президент аҳолисининг 82% исломга эътиқод қилувчи Ўзбекистонда ёшлар ўз динларининг асосларини билмасликлари сабабли уларнинг онги захарланмоқда, деб ҳисоблайди. «Ислом ҳеч қачон экстремистик оқимлар томонидан бунчалик жиддий таҳдидга дучор бўлмаган. Шунинг учун биз Тошкентда Ислом Университетини очдик», -деди жаноб Каримов Москвада чиқадиган газеталардан бирининг саволларига берган жавобларида мустақиликка қадар Ўзбекистонда 60 та масжид ва атиги иккита мусулмонлар диний ўқув юрти билан бўлса, 2000 йил 1 матидаги ҳолат бўйича Республикадаги масжидлар сони 5000 тага яқинлашди⁹, диний ўқув юртлари сони эса 11 тага етди. Шулар –қаторида 1991 йил сентябрида очилган Тошкент Ислом университети (ТИУ) ҳам бор.

ТИУ таркибида иккита факультет очилган бўлиб, биринчи-тарих ва фалсафа, иккинчиси –фикх, иқтисодиёт ва табиий фанлар факультетидир.

⁹ Ўша асар.159 бет.

Олий ўқув юрти қошида исломшунослик илмий-тадқиқот маркази ва академик лицей ташкил қилинган. ТИУ дунёвий университетдир. Бу ерда ислом ҳам, бошқа динлар ҳам чуқур ўрганилади. Дарвоқе, Тошкентда Ислом Университетидан ташқари яна иккита семинария-проваслав ва протестант семинариялари ишлаб турибди.

Университетни ривожлантириш жамғармаси ҳам ташкил этилган. Молиялашнинг асосий манбалари давлат грантлари, пулли контракт асосида олинган маблағлар, ҳомийлар мададидан иборат. ТИУ фаолияти Ўзбекистон Диний бошқармаси билан яқиндан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

Ислом Каримов шарофати билан мусулмонларнинг диний байрамлари Рамазон ҳайити ва Қурбон ҳайити Ўзбекистонда давлат томонидан тан олинди. Биринчи марта ҳозирги ўзбек тилида мусулмонларнинг муқаддас китоби-Қуръони карим ва Имом ал-Бухорий тўплаган тўрт жилдли ҳадислар нашр этилган.

Мустақиликка эришгандан сўнг Ўзбекистон мусулмонларининг Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунавварада ўтказиладиган ҳаж ва умра маросимларида қатнашиши учун ҳамма шароитлар яратилди.

Ўзбекистонда ҳар йили 4000 га яқин зиёратчи ҳаж сафарига боради.

Мударрисларнинг ҳаммаси ўзбеклар бўлиб, ҳаммалари мамлакатнинг ўзида олий таълим олишган ёки Ал-Азҳар (Миср) каби машҳур олий ўқув юртларида, шунингдек Триполи ва Дамашқнинг ислом ўқув даргоҳларида илмий даражаларга эришган... Уни битириб чиқувчилар Тошкент ислом университетида тўрт йиллик ўқишни давом эттириш ва «Олим» унвонини олиш имконига эга.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Республикамиз ҳукумати тарихий-диний обидаларни таъмирлашга алоҳида эътибор бермоқда. Жумладан, минтақанинг охириги қудратли ҳукмдори А. Темур марказини қайта тиклаш учун 10 минглаб доллар ажратди. Регистон майдонидаги масжид ва мадраса коммунистлар томонидан деярли батамом бузиб ташлаган эди. Ҳозирда бу ерда жуда таъмирлаш ва қайта тиклаш ишлари амалга оширилмоқда,

гумбазлар алмаштирилмоқда. Ана шу мақсадда масжид гумбазини, шиплари ва ички қисмини таъмирлаш учун 80 кг дан кўпроқ соф олтин ажратилди.

«Дин одамзотни ҳеч қачон ёмон йўлга бошламайди, - дейди Президент, - Дин бу дунёнинг ўткинчи эканини, охиратни эслатиб туради, одам боласини хушёр бўлишга, ҳаром йўллардан узоқ юришга, яхши бўлишга, яхши из қолдиришга ундаб туради. Биз динга бундан кейин ҳам барча шарт-шароитларни яратиб берамиз. Диний расм-русумларга, байрамларга, диний тарбия ва таълимга доимо жиддий эътибор берамиз».

«Айни замонда, - деб таъкидлади И.Каримов, биз дин пешволарига, ўзимизга ўхшаган мусулмон, биродарларимизга бир нарсани такрор ва такрор уқтироқчимиз: дин ўз йўли билан. Диний партиялар тузиб, ҳокимият талашиб юришлар худога ҳам ёқмайди. Ислом дини инсонларни камтарликка, камсуқумликка ундайди. Мусулмон фарзанди кечиримли бўлади. Мусулмон фарзанди бировни кофир, бировни художўй деб тоифаларга ажратмайди... Сабаби, бандасининг устидан бандаси эмас, Худонинг ўзи ҳукм чиқаради. Шундай экан; бир-биримизни беҳуда айблаб, мен мусулмон, сен кофир, деб талашиб юришлар бизга тўғри келмайди. Дин пешволарига яна бир илтимосимиз бор. Уламолар сафига турли бақироқлар, куни кеча партбилетни кўтариб райкомга югурган, бугун саллани қийшиқ ўраб масжидга йўрғалаган бебурд кисалар адашиб кириб қолмасин. Яхши одам ҳар куни эътиқодини алмаштирмайди. Эътиқод ва иймон бир либос эмаски, бугун бунисини ечиб ташлаб, эртага янгисини кийсанг».¹⁰

Президентимизнинг исломга муносабати унинг қуйидаги сўзларида ўз ифодасини топган: «Ислом дини мутаассиб дин эмаслигига имоним комил. Қуръонни яхши билган киши бу илоҳий китобда инсонпарварлик, тинчлик, осойишталик ва бошқа динларга мураса билан қараш тарғиб қилишини жуда яхши билади. Мен мусулмон мамлакатларининг ислом динига ихлосманд раҳбарлари билан учрашдим. Уларнинг ҳаммалари мутаассибликни, экстремизимни қоралайдилар. Ислом дини инсонни гуноҳлардан фориғ

¹⁰ Ўша асар 160 –бет.

қилишига ишонаман. Ҳар бир киши муқаддас нарсага ишонмоғи керак. Шу сабабли одамларда динга эътиқод уйғонишини асло қоралаб бўлмайди. Бизда масжидлар тикланмоқда. Қуръон илк марта ўзбек тилига таржима қилинди. Бу бизнинг тарихимизда катта воқеадир».

Ўзбекистон Конституциясига мувофиқ дин давлатдан расман ажратилган, лекин жамиятдан ажратилган эмас. Шу сабабли бу ерда жамиятнинг маънавий ҳаёти билан диний расм-русмларни адо этиш ўртасидаги алоқалар уйғун, мувозанатли бўлиши учун ҳамма иш қилинмоқда. Ўзбекистонда улуғ олим ва мутафаккир, Бухоронинг буюк фарзанди Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг «дил ба ёру даст ба кор», яъни «Аллоҳ дилингда, қўлинг ишда бўлсин» деган сўзларини такрорлашни яхши кўрадилар.

Ўзоқ ўтмишда Бухорони «қуббатул ислом», яъни «ислом динининг гумбази» ва уламолар сўзи билан айтганда, «қуввати ислом династ» (ислом динининг қуввати), деб аташган. Бу шаҳар фақат Шарқдагина эмас, балки ҳамма ерда мусулмон оламининг марказларидан бири ҳисобланади. Бухоро Темурийлар даврида айниқса равнақ топди ва дунёнинг энг нуфузли шаҳарларидан бири даражасига кўтарилиб, диний ва дунёвий фанларнинг маркази сифатида шуҳрат қозонди. Табаррук зот Баҳоуддин Нақшбанд фаолияти айна мана шу йилларда кечган эди.

Мирзо Улуғбек томонидан 1417 йилда Бухорода барпо этилган мадраса пештоқига билимга интилиш ҳар бир муслим ва муслиманининг муқаддас бурчи эканлиги ёзиб қўйилган.¹⁸

Ўзбекистон маъмурлари қайси динга эътиқод қилишидан қатъий назар, ҳамма диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилмоқда. Давлат мусулмонларнинг ҳам, христианларнинг ҳам, бошқаларнинг ҳам хориждаги диний зиёратгоҳларига бориш учун моддий ёрдам кўрсатмоқда ва баъзи имтиёзларни бермоқда. 2000 йилда Исо таваллудининг 2000 йиллиги нишонланди. Республика ҳукумати Қуддусга ва бошқа христиан зиёратгоҳларига сафар қилмоқчи бўлган Ўзбекистон христианларига ёрдам

бериш учун махсус дастур қабул қилди. Ушбу масалани ўрганиш учун Ўзбекистон Диний ишлар қўмитаси вакиллари 1991 йил апрелида атайлаб Исроилга бориб келдилар, ҳамма йўналишларни кўздан кечирдилар ва Исо таваллудининг 2000 йиллигини байрам қилиш дастури билан танишдилар.

Улар қайтиб келганларидан кейин диний ишлар қўмитасида барча конфессияларнинг раҳбарлари, шу жумладан рус православ черкови вакиллари ҳам тўпланди. Христиан конфессияларининг раҳбарлари байрам тантанали юришларининг йўналишлари, Қуддусда яшаш шарт-шароитлари билан таништирилди ва ҳамма конфессиялар ягона тадбирлар режасини ишлаб чиқдилар. Етарли маблағга эга бўлганларнинг ҳаммаси учун Ўзбекистондан Исроилга бориш ва у ердан қайтиб келишга махсус рейслар ташкил қилинди. Ўзбекистон бу мустақил суверен давлат бўлиб унда яшовчи ҳар бир фуқаро ҳам мустақил, ўз фикрига ва ўз виждон эркига эга. Албатта йўқ нарса устига бор қилиб бўлмайди, бизда динлараро бағрикенглик ғоясининг тарихий мавжудлиги бунинг яққол мисолидир.

II- БОБ. МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИ

2.1. Мафкуравий тарбия тушунчаси.

Муайян гуруҳ, халқ, жамиятни мафкуравий таъсир доирасига тортишга уринишлар ҳамма вақт бўлган. Тарихга назар ташласак, бу жараён жамият ривожлана бориши билан бирга чуқурлашиб борганини, янги техник ва технологик тизимларнинг юзага келиши натижасида ғоявий таъсир ўтказиш имкониятларининг кенгайиши, услуб ва воситаларининг такомиллашуви содир бўлганини кўрамиз. Хусусан, ҳозирги даврда мафкуравий таъсир ўтказиш ўзининг бир қатор хусусиятлари билан ажралиб туришини кўриш мумкин.

Энг аввало мафкуравий таъсир ўтказиш жараёни тезкор ва катта шиддат билан кечаётганини қайд этиш зарур. Абдулла Қаххор ўз хотираларида ўзи ўша вақтда яшаб турган қишлоқ аҳолиси 1914 йилнинг сентябрида бошланган Биринчи жаҳон уруши тўғрисидаги хабарни тўрт ойдан сўнг, 1914 йилнинг декабрида эшитганини ёзади. Бугун эса кишилар дунёнинг исталган нуқтасида содир бўлаётган ҳодисалардан тезкор хабардор бўлиш имкониятига эга. Дунёнинг турли мамлакатларида телеэкран қаршисида ўтирган кишилар 2001 йилнинг 11 сентябрида Нью-Йоркда содир этилган террорчилик хуружини осмонўпар эгизак бинолар яқинида турган одамлар билан бир вақтда кузатиш имконига эга бўлгани ҳам бунинг ёрқин мисоли бўла олади.

Юқоридаги каби тезкорлик муайян мафкуравий қадриятларни яшин тезлигида оммалаштириш, тарқата олиш имкониятини яратган, Ер юзининг турли бурчакларида дунёга келаётган ғояларни миллионлар дунёқарашининг узвий қисмига айлантираётган матбуот, радио, телевидение, интернет каби ҳодисаларнинг тараққиёти туфайли содир бўлмоқда.

Шу билан бирга, мафкуравий таъсир жараёни олдингидан ҳам кенг қамров касб этиб бормоқда. Бу мафкуравий таъсирга ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари, аҳолининг турли қатламлари тортилганида яққол кўринади.

Бу жараён шунчалик кучлики, бугунги кунда жамият ҳаётининг бирор бир соҳасини мафкуравий таъсирдан ташқарида тасаввур қилиш қийин.

Мафкуравий таъсирни амалга оширишда алоҳида олинган ташкилотлар ролининг кескин даражада ошиши ҳам кузатилмоқда. Буни катта иқтисодий ресурсларга эга бўлган турли диний экстремистик ҳаракатларнинг бутун бир минтакаларда ўз таъсир доираларини кучайтириш йўлидаги уринишлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мафкуравий таъсир аниқ белгиланган мақсадларга эришиш йўлида ҳар томонлама ва пухта ишланган режа асосида амалга оширилаётганини ҳам таъкидлаш зарур. Бу жараёнда хилма-хил институтларнинг изчил тарздаги иштироки ҳам таъминланмоқда.

Мафкуравий таъсир ўтказишнинг юқоридаги каби хусусиятлари ўзида ботиний тарзда мужассам этган яхлит сифатий ҳолат ҳам мавжудлигини қайд этиш лозим. “Бу масаланинг кишини доимо огоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, - деб ёзади Ислом Каримов,- агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйиқни, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийин”.

Мафкуравий жараёнлар ривожини муайян жамият, давлатнинг тинчлиги ва барқарорлигига қарши қаратилган, миллий ўз-ўзини англашни ва этномаданий қадриятларни заифлаштириш ва барбод қилишга йўналтирилган ғоявий-назарий қарашлар ва унга асосланган амалиёт сифатида чиқадиган мафкуравий таҳдидларга ҳам ўзига хослик бағишламоқда.

Замонавий воқелик мафкуравий таҳдидларни амалга оширишда турли усуллар, одамларнинг диний, миллий ҳиссиётлари, мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммолардан, шунингдек, замонавий техника, телекоммуникация воситаларидан усталик билан фойдаланишга ҳаракат қилинаётганини кўрсатмоқда.

Бугунги кунда мафкуравий таҳдидлар аҳолининг маълум бир қатламлари, айниқса, ёшларнинг қарашларини ўзларига маъқул бўлган

йўналишда ўзгартириш, диний экстремизм, ахлоқсизлик каби бузғунчи ғояларни сингдиришга уринишдек кўринишларда содир бўлмоқда.

Шунингдек, демократия байроғи остида фуқароларни қонуний ҳокимият органлари фаолиятини издан чиқариш, зўравонлик хатти-ҳаракатларини амалга оширишга ундашдек интилишлар ҳам мавжудлигини ёддан чиқармаслик лозим. Бундай таҳдидлар «эркинлик ва демократияни олға силжитиш» ниқоби остида ҳам амалга оширилмоқда. Президентимиз таъкидлаганларидек, айрим қудратли давлатлар томонидан муайян мамлакатларга, авваламбор, ер ости, ер усти бойликларига эга бўлган ҳудудларга нисбатан олиб борилаётган ана шундай ғаразли сиёсат дунёнинг айрим минтақаларида тинч ҳаётнинг издан чиқишига, ҳокимият тепасига айнан ўша давлатларнинг манфаатларига хизмат қиладиган кучларнинг келишига замин яратмоқда.

Юртбошимизнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида қайд қилинганидек, “...оммавий маданият» деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни кўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди”.

Бундай жараёнлар ривожда кинематографнинг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Кино инсон онги ва хулқига таъсир кўрсатишнинг ўзига хос услублари ва имкониятларига эга. Бундай таъсирнинг натижаларини кишиларнинг машҳур киноқаҳрамонларига тақлид қилишларида, уларнинг хатти-ҳаракатлари, қилиқлари ва ҳатто, кийинишларини такрорлашга интилишларида кўришимиз мумкин. Киноқаҳрамонлар айтган ва машҳур бўлиб кетган сўзлар, иборалар ва гапларни ҳам кинонинг кишилар хулқига таъсирини кўрсатувчи ҳаётий мисоллар сифатида қараш мумкин. Ўз даврида машҳур бўлган “Тарзан” ва “Фонтамас” фильмлари қаҳрамонларига тақлидан

уларнинг хатти-ҳаракатларини такрорламоқчи бўлган кўплаб кишилар ҳалок бўлгани эса бундай таъсир ҳамма вақт ҳам ижобий эмаслигини кўрсатади.

Мафкуравий глобаллашув шароитида улкан индустрияга айланиб улгурган кинематограф инсон онги ва қалби учун курашнинг муҳим бўғинига айланди. Жаҳон киноси ривожига ўзига хос таъсир кўрсатган, ундаги кўплаб йўналишларни белгилаб берган, бугун ҳам шундай таъсир қувватини сақлаб қолаётган биргина Голливудда йилига тахминан 1000 та фильм ишлаб чиқарилаётгани, дунё бўйича эса унинг сони 10000 дан ортиқни ташкил этаётгани ҳам унинг имкониятлари нечоғлик улкан эканини кўрсатади.

Ёшлар ўзининг ҳаракатчанлиги ва янгиликка интилувчилиги ҳамда бўш вақт ресурсига эгаллиги туфайли юксак коммуникатив фаоллик кўрсатишади. Уларга хос бундай хусусиятлар салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Бу уларнинг «юмшоқ эротика»дан тортиб “очиқ порнография”гача, тажовузкорликдан тортиб очиқ ваҳшийликкача бўлган ҳодисаларни ўзида мужассам этаётган, турли шакллар ва “гўзал” кўринишларда инсон онгига кучли тазйиқ ўтказадиган кинообразлар ёрдамида тобора фаолроқ амалга оширилаётган агрессив ғоявий таъсирга берилиб кетиш хавфининг мавжудлиги билан белгиланади. Зеро, Ислом Каримов таъкидлаганларидек, “...онги шаклланиб улгурмаган аксарият ёш томошабинлар бундай фильмлардан кўпинча турли ёвузлик, йиртқичлик, шавқатсизликни ўрганади, холос. Натижада уларнинг дийдаси қотади, қалбидан тошбағирлик, зўравонлик, ахлоқсизлик каби иллатлар жой олганини ўзи ҳам сезмай қолади. Ҳатто шундай томоша ва фильмларнинг қаҳрамонларига кўр-кўрона тақлид қилишни истайдиган йигит-қизлар ҳам топилади. Чунки, улар бундай уйдирма талқинлар таъсирида қўл ураётган иши қандай аянчли оқибатларга олиб келишини тушуниб етмайди”.

Мафкуравий таҳдидлар ўта хатарли ва нозик тус олган бир шароитда ғоявий тарбиянинг долзарб масалалари ҳақида гап кетар экан, энг аввало ғараз мақсадларда амалга оширилаётган ғоявий таъсирларнинг олдини олиш,

уларга қарши тура олиш учун ҳар бир фуқаромизда мустақил фикрлаш маданиятини, жаҳонда ва ён-атрофимизда мавжуд бўлган маънавий-мафкуравий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаш, улардан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқара олиш малакасини тарбиялаш ҳаётӣ-амалӣ аҳамият касб этишини қайд этиш лозим.

Шу билан бирга, маънавий оламимиз дахлсизлигини асраш учун тобора кучайиб бораётган мафкуравий таҳдидларга қарши доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашни ўрганиш, мураккаб ва таҳликали ҳаётнинг шафқатсиз ўйинлари тўғрисида бирёқлама ва сохта тасаввурлар шаклланмаслигига алоҳида эътибор бериш лозим. Бунинг учун кишиларимизда соғлом ҳаёт тарзи, миллий, диний ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром, ўз кучига ва эртанги кунга ишонч туйғуларини янада камол топтириш зарур.

Миллий ва диний қадриятлар уйғунлигига асосланган, чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия нафақат бугунги кунимиз, балки истиқболимизни ҳам белгилаб беради. Бунда Президентимиз қайд этганларидек, улуғ аجدодларимиз томоиндан ишлаб чиқилган, минг йиллар давомида шаклланиб, сайқал топган комил инсон ҳақидаги ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тилда айтганда, шарқона ахлоқ кодексини, унинг ўзагини, мағзини ташкил этадиган ор-номус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибo ва иффат каби юксак ахлоқий туйғу ва тушунчаларнинг маъно-мазмуни чуқур англаб етилишига эришиш улкан аҳамият касб этади.

Ғоявий тарбиянинг долзарб вазифалари сирасида бепарволик ва лоқайдликнинг олдини олиш, ҳушёрлик ва жонкуярликни тарбиялаш ҳам ўта муҳим эканини алоҳида таъкидлаш зарур. Бундай вазифанинг муваффақиятли ҳал этилиши эса фуқароларимизда мамлакатимизда содир бўлаётган жараёнларда фаоллик иштирок этишга бўлган интилишни шакллантириш билан бир қаторда юрт тақдирига дахлдорлик туйғусини камол топтиришга хизмат қилади.

2.2. Миллий ғоя тарғиботининг воситалари.

Ўзбекистон давлати томонидан сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳаларда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар бу кураш стратегиясининг асосий мазмунини ташкил этади. Бу стратегияда маънавий-мафкуравий тарбия алоҳида ўрин тутди.

Экстремизмнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига сабаб бўлган омиллар ичида мафкуравий бўшлиқнинг таъсири каттадир. Мафкуравий бўшлиқ кишиларда жамиятдаги мавжуд ҳолатни, ижтимоий воқеликни нотўғри идрок этишга, иродасини бўйсундириш ва агрессивликни шакллантиришга хизмат қиладиган носоғлом ғоялар билан тўлдирилишига замин яратади. «Зомбилаштириш» деб аталадиган бу технология кучсиз маънавият, бўш ирода ва носоғлом интилишлар муҳитидагина таъсир кучига эга бўлади.

Шунинг учун ғоявий тарбия, ёшларда юксак маънавиятни шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Ёшлар орасида экстремистик ғояларнинг тарқалиш сабаблари

Ёшларнинг турли оқимларга кириб қолиш сабаблари қаторида уларнинг дунёқараши торлиги, диний илмларни эгаллашга бўлган қизиқиши ҳамда ишонувчанлиги, бирданига ва ҳамма нарсага (бойлик, шон-шуҳрат, мартаба ва ҳ.к.) эга бўлишга интилиши, умуман айтганда максимализм каби маънавий-руҳий омилларни алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим. “Сен бу ташкилотга кириш ёки мана бу вазифани бажариш билан алоҳида, ҳар кимга ҳам насиб қилавермайдиган шарафли ишга қўл урган бўласан, керак бўлса, сен миллат, дин, инсониятнинг халоскорига айланасан!” – деган қарашларни сингдириш жараёни айнан мана шу каби хусусиятларга алоҳида эътибор берилаётганини кўрсатади.

Ёшларга хос бўлган руҳий хусусиятларни яхши биладиган ва ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида усталик билан фойдаланаётган, халифалик тузсак барча муаммоларимиз ҳал бўлади деб юрган экстремистларнинг

сафсаталарига алданиб, жаҳолатга берилаётган ёшларнинг борлиги бунга мисол.

Соғлом эътиқоднинг шахс дунёқарашида эгаллаган ўрни

Биринчидан, шахс дунёқарашидаги барқарорликни белгиловчи халқа сифатида чиқади;

иккинчидан, мавжуд ёки юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликлардан чўчимасликка, уларга қарши тура олиш ва бартараф этишнинг оқилона йўллариини излашга ундайди;

учинчидан, хулқидаги собитлик, изчиллик ва амалиётдаги фаолликни таъминлашга хизмат қилади;

тўртинчидан, кишиларни жипслаштирувчи хусусиятга эга.

Жаҳолатга қарши кураш

Бу курашнинг моҳияти, Президентимизнинг “Ҳозирги вақтда кўз ўнгимизда дунёнинг геополитик, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация манзарасида чуқур ўзгаришлар рўй бераётган, турли мафкуралар тортишуви кескин тус олаётган бир вазиятда, барчамизга аёнки, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда”, – деган фикрларида ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Жаҳолат – билмаслик маъносини англатади. Бугун жаҳолат турли кўринишларда ўзини намоён қилмоқда. Шулардан бири, диний билимсизликдир. Диний саводи паст бўлган кишилар ўзларини ислом динининг жонкуярлари қилиб кўрсатувчи, аслида эса, ҳокимиятни эгаллашни мақсад қилиб қўйган турли оқим вакиллариининг қуруқ ваъдаларига алданиб қолмоқдалар. Бундай билимсизликнинг олдини олишга давлатимиз катта эътибор қаратмоқда. Ҳақиқий диний билим оламан деганларга кенг имкониятлар яратилгани ҳам жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш борасида аниқ амалий ишлар қилинаётганининг ёрқин ифодасидир.

Жоҳиллик мутаассиб оқимларнинг ғаразли ниятларини амалга оширишига замин яратадиган омиллардандир. Давр фуқароларимизнинг

экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш учун қилаётган ишларимизни мунтазам такомиллаштиришиб боришни талаб этмоқда. Жаҳолат оғир оқибатларни келтириб чиқармаслиги учун, одамлар онги ва қалбида маърифатнинг мутлақ устувор бўлишига эришиш, кишилар тафаккурини бойитиш, уларда соғлом ва собит эътиқодни шакллантириш учун кураш, бу йўлдаги назарий ва амалий ишларнинг ҳозиржавоблигини таъминлаш, таъсирчанлигини ошириш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолаверади. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, одамнинг ўз мустақил фикрига, собит эътиқодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий-ислом дини, шакланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлиши ҳар турли мафкураларнинг босими, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги таъйиқларига бардош беришининг асосий шарти ҳисобланади.

Мафкуравий иммунитетга бўлган эҳтиёж

Тарих ўзга ҳудудларни забт этиш мақсадида ишлатиладиган уруш қуроллари узлуксиз такомиллашиб борганини кўрсатади. Бу қуроллар босиб олиниши керак бўлган ҳудудлар аҳолисини жисмонан йўқ қилишга қаратилган. Бугунги кунда эса, ўзга ҳудудларни забт этиш учун уларнинг аҳолисини маҳв этиш шарт эмас. Зеро, онги ва шуури забт этилган, қараш ва кайфиятлари «маъқул» йўналишга ўзгартирилган ерлик аҳоли кўмагида ҳар қандай бойлик, табиий ресурсларга эгалик қилиш мумкин бўлиб қолмоқда.

«Бугунги кунда, – деб ёзади Юртбошимиз, – инсоният қўлида мавжуд бўлган қурол-яроғлар ер қуррасини бир неча бор яксон қилишга етади. Буни ҳаммамиз яхши англаймиз. Лекин ҳозирги замондаги энг катта хавф – инсонларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий курашдир. Эндиликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қилади. Бу аччиқ ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслик лозим».

Шундай шароитда моҳиятан ғайриинсоний, шу жумладан, диний экстремистик ғояларга қарши тура олиш учун ёшларимизда мафкуравий иммунитетни шакллантириш марказий масалалардан бирига айланган.

Мафкуравий иммунитетни шакллантиришда билимларнинг ўрни

Иммунитет тиббиётда организмнинг зарарли таъсирлардан ҳимоя қилишга қодирлигини, тананинг турли инфекцион касалликларга берилмаслик хусусиятини англатади. Инсон организмнинг ана шу умумий иммунитет тизимидан фарқли равишда, мафкуравий иммунитетни шакллантириш талаб этилади. У ҳар бир авлод учун ўзига хос хусусиятга эга бўлади ва мафкуравий дахлсизликни таъминлашга хизмат қилади.

“Бугунги кунда, – деб ёзади И.Каримов, – ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, Интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди”.

Ҳозирги даврда инсон ҳаётида ахборот ва билимлар хилма-хиллигининг ўрни ва аҳамияти янада ошган. Билимлар мафкуравий иммунитет тизимининг асосий ва биринчи унсури ҳисобланади. Аммо билимлар кўп. Диний экстремизм ва терроризм тарафдорлари ҳам муайян «билим»ларга таянадилар ва уни омма онгига сингдиришга ҳаракат қиладилар. Демак, мафкуравий иммунитет тизимидаги билимлар объектив бўлиши, воқеликни тўғри ва тўлиқ акс эттириши, инсон маънавиятининг бойиши ва жамият тараққиётига хизмат қилиши лозим. Бу, бир томондан. Иккинчи томондан, бу билимлар ўз моҳият эътиборига кўра, Ватан, миллат, инсоният манфаатлари билан узвий боғлиқ бўлмоғи керак. Фуқароларимизнинг ислом ҳақида ҳолис ва етарли билимга эга бўлишлари диний экс-тремизмга қарши иммунитетни шакллантиришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Мафкуравий иммунитетни шакллантиришда қадриятларнинг ўрни

Бугунги кунда, Юртбошимиз сўзлари билан айтганда, ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм ва эгоцентризм, мутаассиблик ва

акидапарастлик ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг миллий ва диний анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни кўпоришга қаратилган таҳдидлар тобора хатарли тус олиб, бутун жаҳонда тарқалиб боришига қарши курашиш ҳаётий-амалий аҳамият касб этмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, мафкуравий иммунитет тизимида унинг иккинчи асосий унсури – олинган билимлар замирида шаклланидиган баҳолар ва қадриятларнинг ўрни бекиёсдир. Билимлар қанчалик холис ва чуқур бўлса, унинг замирида юзага келган баҳолар, қадриятлар ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Бир сўз билан айтганда, қадриятлар тизими мафкуравий иммунитетнинг имкониятларини белгилаб беради ва мафкуравий инфекциялар йўлида мустаҳкам қалқон бўлиб хизмат қилади.

Ислом ҳақида муайян тўғри билимларга эга бўлиш, унинг байроғи остида тақдим этилаётган ғоялар, қарашлар ва ҳаракатларни тўғри баҳолаш, уларнинг моҳиятан исломий қадриятларга бутунлай зид эканини англаб етишга хизмат қилади. Шу жиҳатдан билимлар ва қадриятлар тизими мафкуравий иммунитетнинг шаклланишида омил бўлиб қолаверади.

Мафкуравий иммунитетни шакллантиришда мўлжал ва мақсадларнинг ўрни

Мафкуравий иммунитетнинг учинчи муҳим унсури ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-маърифий соҳалардаги мўлжал ва мақсадлар тизими билан боғлиқ. Ана шундай тизим бўлмас экан, хоҳ алоҳида инсон, хоҳ миллат ёки жамият бўлсин, гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги мафкуравий тазйиқларга бардош бериши амримаҳолдир.

Мафкуравий иммунитет тизимини шакллантиришда ёт ғоялар кириб келишининг олдини олиш ва уларни йўқотишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ўз ичига оладиган мафкуравий профилактиканинг ўрни катта. У ижтимоий институтлар томонидан хилма-хил шаклларда амалга ошириладиган ғоявий-тарбиявий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ишлар мажмуини, тўғри ташкил этилган тарбия тизимини қамраб олади.

Бугунги кунда мамлакатимизда миллий ғоя руҳи билан йўғрилган ана шундай тарбия тизими яратилди. Уни доимий такомиллаштириб бориш ва давр даъватларига ҳозиржавоблигини таъминлаш эса, ҳар биримизнинг асосий вазифамиз ҳисобланади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, «Миллат бор экан, миллий давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлигига, анъана ва урф-одатларига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар».

Шундай экан, вояга етаётган ҳар бир фарзандимизни кучли мафкуравий иммунитет ва юксак маънавиятга эга шахс сифатида тарбиялаш озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни таъминлашимизнинг асосий шартларидан бири бўлиб қолаверади. Юртбошимиз сўзлари билан айтганда, “...халқ — бамисоли улуғ ва шарафли йўлдан илгарилаб бораётган улкан қарвон. Уни йўлдан чалғитишга уринувчилар, пайт пойлаб орқасидан ҳамла қилувчилар ҳамиша бўлган, бундан кейин ҳам бўлиши мумкин. Қарвон бехатар бўлмас, деган гап бежиз айтилмаган. Аммо халқ қарвонини ҳеч қандай куч ортга қайтаролмайди. Нега деганда, халқнинг қалбида не-не авлодлардан мерос енгилмас куч — маънавият бор”.

Ёшларда мафкуравий иммунитетни тарбиялашда фойдаланиладиган педагогик усуллар

“Street law” (“Кўча қонуни”) дастури бугунги кунда кўплаб давлатлар таълим-тарбия жараёнида қўлланмоқда.

Бу дастурнинг кенг тарқалган услублари:

- Кластер (ахборотни ёйиш) усули
- Синквейн (ахборотни йиғиш) усули
- “Ақлий ҳужум” усули
- “Ажурли апра” усули
- “Мунозара” усули

- “Ўз ўрнингни топ” усули

- “Кичик гуруҳларда ишлаш”: Қўллаш усули, “Меню” усули, “Босма материаллар билан ишлаш”

- “Дебатлар” усули

- “Танқидий фикрлаш” усули

Жамият хавфсизлигига таҳдид ва ғоявий иммунитет

Ички таҳдидлар - Ватанга, жамият хавфсизлигига зарар етказишга қаратилган ғоя, фикр, хатти-ҳаракатлардир. Носоғлом маҳаллийчилик, ёнидагиларни менсимаслик, ватандошларнинг ҳаққига хиёнат қилиш, «маънавий эмиграция» (бахтини ўз ватанидан эмас, ўзга жойларда қидириш), одамларни бой-камбағалга бўлиб муомала қилиш, порахўрлик, коррупция, кўпоровчилик, агрессив миллатчилик, меркантилизм, ортиқча мол-дунёга хирс қўйиш, бефарқлик, лоқайдлик, ўзлигини англамаслик ва бошқа иллатлар билвосита ички таҳдидлар вазифасини бажаради. Улар қанча кенг тарқалса, жамиятнинг ғоявий бирлигига шунча кўп зарар етказади, пароканда қилади, ҳамжиҳатлик бўлмайди. Ғоявий бирлиги мўрт миллатнинг хавфсизлиги ҳам мўрт бўлади.

Ёшлар маънавиятига таҳдид соладиган хавфлардан ўзини онгли ҳимоя қилиш кўникмалари таълим-тарбия, ота-оналар ўғитлари, яхшилик ва ёмонликларни фарқлаши жараёнида шакллана боради. Болага илк ёшидан бошлаб нима яхши, нима ёмон, уларга қандай муносабат билдириш керак, деган саволларга асосланган боғча, мактаб тарбияси, ундан кейин ижтимоий тарбия йўлга қўйилсагина ҳар бир миллат соғлом, ишончли, мустаҳкам иммунитетга эга бўлади. Иммунитет эса ўз навбатида одамни тўғри йўлдан «озиш»дан, турли йўللарга адашиб, кейин пушаймон бўлишлардан, бахтсизликдан, миллатни эса - парокандаликдан, парчаланишлардан, синфий, маҳаллий ёки бошқа бўлинишлардан асраб туради. Демак, мафкуравий иммунитет - давлат ва миллатнинг маънавий бирлиги, маънавий соғломлигини ҳимоя қилувчи ғоявий қалқон вазифасини бажаради.

Мафкуравий иммунитет тизимини шакллантириш

Мафкуравий иммунитет маънавий, маърифий, сиёсий, иқтисодий билимларни онгли тушуниб етиш, ижтимоий воқеликка муносабат билдириш кўникмаларини шакллантириш, носоғлом ғояларни қабул қилмасликни камраб олади. У муайян ғоялар тўқнашган вазиятларда намоён бўлади, илмий далиллар системасига асосланади. Талаба мафкуравий иммунитетининг таркибини вайронкор ва бунёдкор ғояларнинг моҳияти, фарқи ҳақидаги *мафкуравий билим(Б), ҳис-туйғу (Х), ирода (И), кўникма (К) ва малакалар(М)* тизими ташкил қилади. Мафкуравий кўникмалар билим, фаолият ва ҳатти-ҳаракатлар бирлигида намоён бўлади. Малакалар эса ёт ғоялар таъсирига қарши қаратилган муносабат, адекват йўл ва усуллардир. Шу тариқа мафкуравий иммунитетнинг формуласини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$МИ=Б+Х+И+К+М$$

Мафкуравий кўникма ва малакаларнинг ҳосил бўлишида миллий ғоя негизлари муҳим роль ўйнайди. Агар мафкуравий таҳдид сезилганда, нима қилиш кераклигини ўйлаб ўтирмай ва айрим ҳаракатларга алоҳида диққат қилиб ўтирмай ғояга ғоя билан жавоб бериш амалда бажарила бориладиган бўлса, мафкуравий иммунитет амалда шаклланди, деб ҳисоблаш мумкин.

Шахснинг миллий истиқлол ғояларига бўлган мустаҳкам ишончи ва иродаси унинг мафкуравий иммунитети манбаи ҳисобланади. Бундай мафкуравий иммунитетга эга бўлган шахс ёт мафкуралар таъсирига берилмайди. Мафкуравий иммунитетни шакллантиришда инсоннинг ўзи, халқи, Ватани манфаатлари яхлитлигидан келиб чиқиб, ёт ғояларга қарши тура олиш малакаларининг ўрни катта.

Мафкуравий кураш хусусиятлари

Жамиятнинг ўз эртаси ва келажагига ишончи ўз-ўзидан ҳосил бўлмайди. Бунинг замирида миллат бахт саодати йўлида, демак ҳар бир фуқаро манфаатидан келиб чиқувчи махсус фаолият - мафкуравий тарбия ётади. Мафкуравий тортишувлардаги ғояни оммалаштириш услублари - мафкуравий тарбия услубларидир. Бу баҳсда пировард натижани илмга

асосланган тарғибот ва ташвиқот ҳал қилади. Шу тариқа мафкуралар кураши - ғоялар тарғиботи ва ташвиқоти тортишувига айланади. Жамиятга ёт мафкуралар ўз ғояларини бирданига олиб кира олмайди. Улар аввало маҳв қилиниши керак бўлган миллат азалдан ишониб келган нарсаларга ишончини, умидини сўндиради. Бунинг учун миллат ишониб келган кадриятлар ёмонланади, обрўсизлантирилади. Натижада мафкуравий иммунитетни синдиришнинг биринчи босқичи амалга ошади - миллат ўзи ишониб келган ғоялар, кадриятларга бефарқ муносабатда бўла бошлайди. Азалий кадриятларга амал қилинмай қўйилади, одамларда уларга амал қилмаётганларга лоқайд муносабат урф бўлади. Кадриятлар, ғоялар кадрсизланади, аҳамиятсиз нарсаларга айланиб қолади. Бўшлиқ ана шундай яратилади, «очиб олинади».

Мафкуравий бўшлиқ очиб олингач, энди унинг ўрнини тўлдирувчи ёт ғоялар жозибали тасвирлана бошланади. Бузғунчи ғояга хос «янгилик» ва у бераётган ваъдалар одамлар қулоғи ва кўзи орқали онг ва қалбига кира бошлайди. Мафкуравий бўшлиқ шу тариқа тўлдирила бошланади. Ёлғон ғоя одамлар онгига ўрнашса, у ҳам амалий кучга айланади.

Мафкуравий иммунитетнинг даражалари

- биринчи, яъни мафкуравий иммунитетнинг қуйи даражаси - шахс, жамоа, жамият илмий, назарий, ғоявий билимлардан хабардор эмас; бузғунчи мафкуравий ғояларга бефарқ, лоқайд;

- иккинчи даражаси — керакли билимлар бор, лекин улар ҳис қилинмаган, системалашмаган, шу сабабли уларни бузғунчи мафкуравий ғояларга қарши ишлатишга тайёр эмас;

- учинчи даража - мафкуравий билимларга эга, лекин улар асосан назарий бўлиб, шахс ёки жамият уларни қўллашга қийналади;

- тўртинчи даража - асосли билимларга эга, вазиятни тўғри баҳолай олади; ички ва ташқи сиёсий, мафкуравий таъсирларга қарши иммунитетни шаклланган ва уни онгли равишда ишлатади;

- бешинчи - олий даража - мукаммал ғоявий, сиёсий, иқтисодий билимларга эга ва бу билимларни бемалол амалда қўллаб, бузғунчи мафкуравий, сиёсий ғояларни доимо, ҳамма жойда фаол фoш қила олади.

Мафкуравий иммунитетни шакллантириш йўналишлари

1. Диний ақидапарастлик ва бошқа ёт мафкуралар энг аввало айрим ёшларнинг ғоявий-сиёсий тажрибасизлигига таянади. Ёт мафкура ва бузғунчи таъсирлар билан кураш мафкуравий тарбияда лоқайдлик, бефарқлик кайфиятининг ҳар қандай кўринишларига мурасасизликни тақозо қилади.

2. Қарши тарғибот самарадорлигининг зарур тамойилларидан бири - унинг тезкорлигида бўлиб, унда муайян минтақавий шароитларни, кишиларнинг ёш хусусиятларини, олий ўқув юртининг у ёки бу муддатда ҳал қила олиши мумкин бўлган мафкуравий имкониятларини ҳисобга олиш кўзда тутилади.

3. Шахснинг мамлакат ичкарисида ва ташқарисида содир бўлаётган воқеаларни мустақил таҳлил қила олиши, мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлайди.

4. Мафкуравий таҳдиднинг мазмуни, тамойиллари, услублари ва шаклларига қарши мураккаб ғоявий тарбия тизимини яратиш.

III-БОБ. ИСЛОМ ДИНИ - МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ.

3.1.Ислом динидаги бунёдкор ғоялар.

Юртимиз истиқлолга эришганидан сўнг қадриятларга муносабатда туб бурилишлар, ўсиш, тараққиёт амалга оширила бошлади. Комил инсонни тарбиялаш, келажак авлодни миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғоялари асосида тарбиялаш куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланди. Миллий истиқлол ғоясининг олий мақсади – Ватанимиз равнақи, юртимиз тинчлиги ва халқ фаровонлиги ғояларига таянган ҳолда, халқимизни мустақилликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг буюк келажagini яратишга сафарбар этишдир.

Муайян гуруҳ, халқ, жамиятни мафкуравий таъсир доирасига тортишга уринишлар ҳамма вақт бўлган. Тарихга назар ташласак, бу жараён жамият ривожлана бориши билан бирга чуқурлашиб борганини, янги техник ва технологик тизимларнинг юзага келиши натижасида ғоявий таъсир ўтказиш имкониятларининг кенгайиши, услуб ва воситаларининг такомиллашуви содир бўлганини кўрамыз. Хусусан, ҳозирги даврда мафкуравий таъсир ўтказиш ўзининг бир қатор хусусиятлари билан ажралиб туришини кўриш мумкин.

Энг аввало мафкуравий таъсир ўтказиш жараёни тезкор ва катта шиддат билан кечаётганини қайд этиш зарур. Абдулла Қаҳҳор ўз хотираларида ўзи ўша вақтда яшаб турган қишлоқ аҳолиси 1914 йилнинг сентябрида бошланган Биринчи жаҳон уруши тўғрисидаги хабарни тўрт ойдан сўнг, 1914 йилнинг декабрида эшитганини ёзади. Бугун эса кишилар дунёнинг исталган нуқтасида содир бўлаётган ҳодисалардан тезкор хабардор бўлиш имкониятига эга. Дунёнинг турли мамлакатларида телеэкран қаршисида ўтирган кишилар 2001 йилнинг 11 сентябрида Нью-Йоркда содир этилган террорчилик хуружини осмонўпар эгизак бинолар яқинида турган одамлар

билан бир вақтда кузатиш имконига эга бўлгани ҳам бунинг ёрқин мисоли бўла олади.

Юқоридаги каби тезкорлик муайян мафкуравий қадриятларни яшин тезлигида оммалаштириш, тарқата олиш имкониятини яратган, Ер юзининг турли бурчакларида дунёга келаётган ғояларни миллионлар дунёқарашининг узвий қисмига айлантираётган матбуот, радио, телевидение, интернет каби ходисаларнинг тараққиёти туфайли содир бўлмоқда.

Шу билан бирга, мафкуравий таъсир жараёни олдингидан ҳам кенг камров касб этиб бормоқда. Бу мафкуравий таъсирга ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари, аҳолининг турли қатламлари тортилганида яққол кўринади. Бу жараён шунчалик кучлики, бугунги кунда жамият ҳаётининг бирор бир соҳасини мафкуравий таъсирдан ташқарида тасаввур қилиш қийин.

Мафкуравий таъсирни амалга оширишда алоҳида олинган ташкилотлар ролининг кескин даражада ошиши ҳам кузатилмоқда. Буни катта иқтисодий ресурсларга эга бўлган турли диний экстремистик ҳаракатларнинг бутун бир минтакаларда ўз таъсир доираларини кучайтириш йўлидаги уринишлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мафкуравий таъсир аниқ белгиланган мақсадларга эришиш йўлида ҳар томонлама ва пухта ишланган режа асосида амалга оширилаётганини ҳам таъкидлаш зарур. Бу жараёнда хилма-хил институтларнинг изчил тарздаги иштироки ҳам таъминланмоқда.

Мафкуравий таъсир ўтказишнинг юқоридаги каби хусусиятлари ўзида ботиний тарзда мужассам этган яхлит сифатий ҳолат ҳам мавжудлигини қайд этиш лозим. “Бу масаланинг кишини доимо огоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, - деб ёзади Ислом Каримов,- агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйиқни, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийин”.

Мафкуравий жараёнлар ривожини муайян жамият, давлатнинг тинчлиги ва барқарорлигига қарши қаратилган, миллий ўз-ўзини англашни ва

этномаданий қадриятларни заифлаштириш ва барбод қилишга йўналтирилган ғоявий-назарий қарашлар ва унга асосланган амалиёт сифатида чиқадиган мафкуравий таҳдидларга ҳам ўзига хослик бағишламоқда.

Замонавий воқелик мафкуравий таҳдидларни амалга оширишда турли усуллар, одамларнинг диний, миллий ҳиссиётлари, мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммолардан, шунингдек, замонавий техника, телекоммуникация воситаларидан усталик билан фойдаланишга ҳаракат қилинаётганини кўрсатмоқда.

Бугунги кунда мафкуравий таҳдидлар аҳолининг маълум бир катламлари, айниқса, ёшларнинг қарашларини ўзларига маъқул бўлган йўналишда ўзгартириш, диний экстремизм, ахлоқсизлик каби бузғунчи ғояларни сингдиришга уринишдек кўринишларда содир бўлмоқда.

Шунингдек демократия байроғи остида фуқароларни қонуний ҳокимият органлари фаолиятини издан чиқариш, зўравонлик хатти-ҳаракатларини амалга оширишга ундашдек интилишлар ҳам мавжудлигини ёддан чиқармаслик лозим. Бундай таҳдидлар «эркинлик ва демократияни олға силжитиш» ниқоби остида ҳам амалга оширилмоқда. Президентимиз таъкидлаганларидек, айрим қудратли давлатлар томонидан муайян мамлакатларга, авваламбор, ер ости, ер усти бойликларига эга бўлган ҳудудларга нисбатан олиб борилаётган ана шундай ғаразли сиёсат дунёнинг айрим минтақаларида тинч ҳаётнинг издан чиқишига, ҳокимият тепасига айнан ўша давлатларнинг манфаатларига хизмат қиладиган кучларнинг келишига замин яратмоқда.

«Оммавий маданият» байроғи остида биз учун мутлақо ёт бўлган ҳуққ нормаларини, маънавий ва ахлоқий тубанликни тарғиб қилиш ҳам мафкуравий таҳдиднинг ўзига хос кўриниши ҳисобланади. Юртбошимизнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида қайд қилинганидек, “...оммавий маданият» деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг

йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни кўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди”.

Бундай жараёнлар ривожда кинематографнинг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Кино инсон онги ва хулқига таъсир кўрсатишнинг ўзига хос услублари ва имкониятларига эга. Бундай таъсирнинг натижаларини кишиларнинг машҳур киноқаҳрамонларига тақлид қилишларида, уларнинг хатти-ҳаракатлари, қилиқлари ва ҳатто, кийинишларини такрорлашга интилишларида кўришимиз мумкин. Киноқаҳрамонлар айтган ва машҳур бўлиб кетган сўзлар, иборалар ва гапларни ҳам кинонинг кишилар хулқига таъсирини кўрсатувчи ҳаётий мисоллар сифатида қараш мумкин. Ўз даврида машҳур бўлган “Тарзан” ва “Фонтамас” фильмлари қаҳрамонларига тақлидан уларнинг хатти-ҳаракатларини такрорламоқчи бўлган кўплаб кишилар ҳалок бўлгани эса бундай таъсир ҳамма вақт ҳам ижобий эмаслигини кўрсатади.

Мафкуравий глобаллашув шароитида улкан индустрияга айланиб улгурган кинематограф инсон онги ва қалби учун курашнинг муҳим бўғинига айланди. Жаҳон киноси ривожига ўзига хос таъсир кўрсатган, ундаги кўплаб йўналишларни белгилаб берган, бугун ҳам шундай таъсир қувватини сақлаб қолаётган биргина Голливудда йилига тахминан 1000 та фильм ишлаб чиқарилаётгани, дунё бўйича эса унинг сони 10000 дан ортиқни ташкил этаётгани ҳам унинг имкониятлари нечоғлик улкан эканини кўрсатади.

Ёшлар ўзининг ҳаракатчанлиги ва янгиликка интилувчилиги ҳамда бўш вақт ресурсига эгалиги туфайли юксак коммуникатив фаоллик кўрсатишади. Уларга хос бундай хусусиятлар салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Бу уларнинг «юмшоқ эротика»дан тортиб “очиқ порнография”гача, тажовузкорликдан тортиб очиқ ваҳшийликкача бўлган ҳодисаларни ўзида мужассам этаётган, турли шакллар ва “тўзал” кўринишларда инсон онгига кучли тазйиқ ўтказадиган кинообразлар ёрдамида тобора фаолроқ амалга оширилаётган агрессив ғоявий таъсирга берилиб кетиш хавфининг

мавжудлиги билан белгиланади. Зеро, Ислом Каримов таъкидлаганларидек, “...онги шаклланиб улгурмаган аксарият ёш томошабинлар бундай фильмлардан кўпинча турли ёвузлик, йиртқичлик, шавқатсизликни ўрганади, холос. Натижада уларнинг дийдаси қотади, қалбидан тошбағирлик, зўравонлик, ахлоқсизлик каби иллатлар жой олганини ўзи ҳам сезмай қолади. Ҳатто шундай томоша ва фильмларнинг қаҳрамонларига кўр-кўрона тақлид қилишни истайдиган йигит-қизлар ҳам топилади. Чунки, улар бундай уйдирма талқинлар таъсирида қўл ураётган иши қандай аянчли оқибатларга олиб келишини тушуниб етмайди”.

Мафкуравий таҳдидлар ўта хатарли ва нозик тус олган бир шароитда ғоявий тарбиянинг долзарб масалалари ҳақида гап кетар экан, энг аввало ғараз мақсадларда амалга оширилаётган ғоявий таъсирларнинг олдини олиш, уларга қарши тура олиш учун ҳар бир фуқаромизда мустақил фикрлаш маданиятини, жаҳонда ва ён-атрофимизда мавжуд бўлган маънавий-мафкуравий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаш, улардан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқара олиш малакасини тарбиялаш ҳаётий-амалий аҳамият касб этишини қайд этиш лозим.

Шу билан бирга, маънавий оламимиз дахлсизлигини асраш учун тобора кучайиб бораётган мафкуравий таҳдидларга қарши доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашни ўрганиш, мураккаб ва таҳликали ҳаётнинг шафқатсиз ўйинлари тўғрисида бирёқлама ва сохта тасаввурлар шаклланмаслигига алоҳида эътибор бериш лозим. Бунинг учун кишиларимизда соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром, ўз кучига ва эртанги кунга ишонч туйғуларини янада камол топтириш зарур.

Миллий ва диний қадриятлар уйғунлигига асосланган, чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия нафақат бугунги кунимиз, балки истиқболимизни ҳам белгилаб беради. Бунда Президентимиз қайд этганларидек, улуғ аجدодларимиз томоиндан ишлаб чиқилган, минг

йиллар давомида шаклланиб, сайқал топган комил инсон ҳақидаги ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тилда айтганда, шарқона ахлоқ кодексини, унинг ўзагини, мағзини ташкил этадиган ор-номус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибодат ва ифғат каби юксак ахлоқий туйғу ва тушунчаларнинг маъно-мазмунини чуқур англаб етилишига эришиш улкан аҳамият касб этади.

Ҳаёвий тарбиянинг долзарб вазифалари сирасида бепарволик ва лоқайдликнинг олдини олиш, хушёрлик ва жонкуярликни тарбиялаш ҳам ўта муҳим эканини алоҳида таъкидлаш зарур. Бундай вазифанинг муваффақиятли ҳал этилиши эса фуқароларимизда мамлакатимизда содир бўлаётган жараёнларда фаоллик иштирок этишга бўлган интилишни шакллантириш билан бир қаторда юрт тақдирига дахлдорлик туйғусини камол топтиришга хизмат қилади.

Тарбиямизда одамни ақлгина эмас, балки қалби, юраги, виждони ҳам бошқаришни доимо уқтирмоғимиз зарур. «қалб илми, бу фойдали кимдир, у набийлар ва расуллар илмидир...»¹. Бу фазилатларни тарбиянинг барча жабҳаларида, айниқса, ёшларни ҳаёвий ва мафкуравий тарбиясига сингдиришни амалий йўлга қўйиш керак.

Тарбияда ишонтириш усули катта ўрин тутди. Тарбия фақат муайян сўз, тушунчалар йиғиндиси тарзида берилмасдан, балки жонли ҳаётдан олинган амалий мисоллар орқали берилиши зарур. Одамларнинг шахсий, оилавий ҳаётдан мисоллар келтириш орқали ёшларга самарали таъсир қилиши мумкин. Демак, тарбияда ёшларга ислом дини, уларнинг ҳар бир жамият аъзоси ҳаёт тарзидаги ўрни ҳақида аниқ, конкрет мисоллар, амалиёт, ибрат, намуна кўрсатиш ислом дини асосида тарбиялашнинг яна бир омилidir.

Ислом динининг илмий ва амалий томони ҳақида гапирар эканмиз, унинг умумбашарий қадриятларга дахлдор томонлари, жаҳон тараққиёт андозаларига монандлиги тўғрисида ҳам фахрланиб гапириш мумкин. Чунки ислом динидан умуминсоний қадриятлар шаклланади ва ривожланади.

¹ Фахрулдин Али Сафий. Рашаҳот. Тошкент 2004. 98 бет.

Ислом динимизда ҳам жаҳон халқларини тўлқинлантириб келаётган умумбашарий масалалар ўз аксини топган бўлиб, умуминсоний қадриятлар тизимида ўз ўрни, салмоғи, салоҳиятига эга бўлиб бормоқда.

Албатта, ёшларни ислом динига таяниб, улар асосида тарбиялашнинг кўплаб омиллари ҳақида гапириш мумкин. Ислом дини асосида тарбиялаш узок давом этадиган жараёндир.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, қуйидагиларни алоҳида таъкидлаш мумкин:

- миллий қадрият, умуминсоний қадрият тушунчалари фақат бир миллат қадрияти маъносида эмас, балки мамлакатимизда яшаётган кўплаб миллий, этник ва диний гуруҳлар манфаатини ифода этади. Умуммиллийлик этник, диний, сиёсий, хусусий, шахсий манфаатларни камситмайди;

- ислом дини, улардан тарбия жараёнида фойдаланиш дунёвий давлат ва жамият қуришга қаратилган бўлиб, фикрлар хилма хиллигига таянади ва уларни ривожланишига кенг имкониятлар очади;

- ислом дини демократик характерга эга бўлиб, унда барча дунёвий, диний, илмий, сиёсий, ҳуқуқий қарашлар тенг ҳуқуқлилиқ асосида ривожланиш тамойилига асосланади.

Ёшларни ислом дини асосида тарбиялашнинг механизмлари.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон Республикаси янги тарихий даврга кадам қўйди. Жамиятимизнинг маънавий - ахлоқий янгиланиши давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан бирига айланиб бормоқда, чунки мамлакатнинг келажаги кўп жиҳатдан маънавий-ахлоқий баркамол авлодни тарбиялашга боғлиқдир.

Ҳозирги кунда ёшларни соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш ҳамда ўз ақл-заковатини тўла намоён этиш учун зарур шарт-шароитлар яратишга кўмаклашадиган омил - бу ислом дини ҳисобланади. Ислом дини асосида тарбия бериш жараёнининг яна бир аҳамиятли томони шундаки, ўсиб келаётган ёш авлод бугунги кунда қадриятлар тизимининг амалий ҳаётга тадбиқ этила бошлаганлиги ҳозирги даврнинг энг муҳим

ютукларидан бири деб билиши лозим. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ислом динини таълим ва фан соҳаси орқалигина ёшлар онгига ва қалбига сингдириш, мамлакат миқёсида аҳамиятга молик бўлган ва давр тақозо этаётган бирдан-бир ва ягона йўли эмас¹¹. Ислам динини идрок этиш уни ёшларнинг ишонч ва эътиқодига айлантириш учун турли самарали омиллардан фойдаланишни тақозо этади.

Жаҳон цивилизацияси демократик давлатлар тарихи ва тажрибаси шунини тасдиқлайдики, демократик жамиятни қуриш том маънодаги маънавий-ахлоқий дунёқарашни шакллантириш, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик орқали амалга ошади. Бунинг учун бизда буюк тарихий, маънавий - ахлоқий меросимиз ва мустақил тараққиёт йўлида жамиятимиз эришган ютуқлар тимсолида асослар бор.

Бу борада ислом динини ёшлар онги ва шуурига сингдириб боришда дастлабки пойдевор халқимизнинг азалий удумлари ҳамда оила ва оилавий муносабатларига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Кўп асрлардан буён буюк аجدодларимиз оилавий ҳаётни соғлом турмуш тарзининг асосий қисми сифатида, унинг муқаддаслиги эътироф этиб, фарзандларини жисмонан бақувват, ахлоқ-одобли, андишали қилиб ўстиришларига алоҳида эътибор бериб келишган. Бу ҳолат ҳаёт синовларидан ўтган ва қадрият даражасига кўтарилган. Инсон дунёқарашининг дастлабки пойдевори оилада шаклланади. Шундай экан, тарбиянинг маънавий-ахлоқий асослари оиланинг шарқона тарбия тизимининг қай даражада ташкил этилганлиги билан характерланади.

Шахс маънавияти унинг дунёқарашини, тасаввур ва эътиқодлари ислом динимизга хос илк тушунчалар асосан оила муҳитида таркиб топишини эътиборга олган ҳолда, асосий тарбия маскани сифатида оила тарбиясига алоҳида урғу бериш долзарб вазифаларидан биридир.

Халқимизнинг табиати, иродаси, орзу-интилишларини ифодаладиган қуйидаги миллий ва умуминсоний тамойилларни амалга ошириш: оила,

¹¹ Батафсилроқ қранг: www.ziyo.net

маҳалла, эл-юрт тушунчаларининг муқаддаслиги, она Ватанга муҳаббат, иймон-эътиқодли бўлиш, ўзлигини англаш, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш, миллий ғурур ва миллий ифтихор туйғуларини шакллантира боришга қаратилган ҳалоллик, ростгўйлик, маънавий-ахлоқий қусурлардан поклик каби миллий ва умуминсоний маънавий-ахлоқий қадриятларни ёшлар онги ва қалбига сингдира боришнинг комплекс механизмларини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ҳар бир халқнинг миллий маънавий дунёқарашини, этно-психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ислом динини ҳаётга тадбиқ этиш учун қуйидаги жиҳатларга эътиборни қаратиш лозимдир:

Биринчидан жамиятимиздаги ҳар бир шахс маънавиятида мамлакатимизнинг босқинчиларга қарам бўлиб қолган даврлар (қадимги Эрон шоҳлари босқинчилиги, чоризм ва большевизм ҳукмронлиги) турмуши ва маданияти билан халқимизнинг мустақил ривож топиши (Сак ва Массaget қавмлари ва Афросиёб давлати, Темурийлар сулоласи) даги даврда юксак турмуш ва маданиятларни қиёслаш воситасида ислом динининг юқори босқичга кўтарилдганлигини исботлаб бериш керак. Бунинг натижасида ўсиб келаётган авлодда ислом динини эъзозлаш эътиқодини шакллантириш, уларнинг онги ва қалбига миллий ғоя ва мафкуранинг сингдиришнинг, ўз даври учун аҳамиятли ва бизлар учун ибратли жиҳатини ёритиш каби механизмларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш.

Иккинчидан, ҳар бир шахс жамият ҳаёти билан дахлдор бўлган вазифаларни бажаришда ҳамда ўзи ишлаб турган ташкилот, корхона, муассасалардаги иш жараёнларида ижро интизомига тўла амал қилишига эътиборни қаратиш: ёшларда мустақил ривожланиш йўлимизнинг самара беришга ишончни тарбиялаш учун мамлакатимиз эришган ютуқларнинг аҳамиятини ёритиб бериш муҳим. Маълумки, маънавий-ахлоқий дунёқарашнинг негизини инсонпарварлик ва ватанпарварлик ғоялари ташкил этади. Бундай ғояларни шакллантиришда далил-исбот беқиёс механизмдир. Ўзбекистоннинг барча моддий бойлиги, иқтисодий имкониятлари ижтимоий

ҳолати ва маданий даражаси мамлакатни ҳар томонлама ривожланишига, ижтимоий ҳамжихатлик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга сафарбар этилмоқда¹². Мамлакатимизда барпо этилаётган янги ишлаб чиқариш структураси, коммуникация иншоотлари, таълим ва саломатлик комплекслари, ижтимоий хизмат тармоқлари, миллий маданий марказлар, информацион-технологик шарт-шароитлар ватанпарварлик онги ва туйғусини мустаҳкамлашга, ёшлар онгида ислом динига ҳурмат ҳиссини уйғланишига хизмат қилади.

Учинчидан, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда унинг ислом динининг ҳаётдаги ўрнини қандай даражада мазмунли эканлигини билганига, унинг ватанпарвар, миллатпарвар, Президентимиз ибораси билан «элим деб, юртим деб» яшайдиган киши эканлигига, унинг тадбиркорлиги, ҳалоллиги, ғоявий қусурлардан поклиги, ислом динининг уни имон-этиқодига айланганлигига эътиборни қаратиши.

Тўртинчидан, бошқарув тизимида ислом динининг жамият манфаатига йўналтирувчи хусусиятларни шакллантира бориш, раҳбар ходимдан ижобий ибрат кўникмаларини олишга эришиши.

Ислом дини мамлакат миқёсида идрок этилган ҳолда уни ёшлар онги ва қалбида устуворлигини таъминланишининг яхлит, мунтазам, изчил тамойилларига таянган ҳолда инсонлар ҳаётига жорий этишни тақозо этади. Ўз фаолият миқёсини мамлакат миқёслари билан уйғун бўлишига қаратилган

¹² Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. Т., 2004, 76-77 б

3.2. Ислом дини ғоявий тағибот воситаси сифатида.

Тарихий манбаларда аجدодларимизнинг битмас-туганмас маънавий мероси ва тарихий анъаналари асрлар давомида сақлаб келинганлиги ўз ифодасини топган. Қадриятлар халқимизнинг ўзлигини англаб етишда, миллий ғурурини шаклланишида беқиёс хизмат қилиши мустақил давлатимиз фуқароларининг руҳий жихатдан истиқлол ва истиқбол учун фидойийликка етаклашининг шарти ва кафолатидир. Ўтмиш меросни, ислом динини билиш ҳамда эъзозлаш, уларни келажак авлодларга тўла-тўқис ҳолда етказиш мақсадга мувофиқдир. Ўтмиш қадриятларига, анъаналарига ва турмуш тарзига бефарқ қарамаслик лозим. Чунки маънавий қадриятлар, миллий ва умуминсоний қадриятлар каби комил инсон шаклланишининг муҳим омилларидан биридир. Буюк мутафаккирларимиз қайси замонда яшамасин, қайси тилда асар яратмасин, ўз элини, унинг қадриятлари, урф-одатларини унутмаганлар, доимо миллатни, миллий ўзликни улуғлаганларини юқоридаги бобда кўриб ўтдик. Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Мансур Мотурудий, Бурхониддин Марғиноний, Хожа Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур каби буюклар эл-юртимиз тарихини, маданиятини, санъатини, қадриятларини, урф-одатларини ўрганиш ва уларни кейинги авлодга етказиш учун қалам тебратганлар¹³.

Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон қадим-қадимдан хунармандчилиги, пазандалиги, деҳқончилиги, илм-фани, санъати ва ислом динии билан оламга машҳурдир. Болажонлик, меҳмондўстлик, одамгарчилик, ота-онага ҳурмат, оилавий бирдамлик, оқибатлилик, қаноатлилик, мурувватлилик халқимизга хос одатлардир. Бу урф-одатлар, қадриятлар халқимизнинг қатор инсоний фазилятларида мужассамдир.

¹³ Тўланов Ж. Қадриятлар фалсафаси. --Т.: Ўзбекистон, 1998. --89-б

Кишиларнинг ўз халқи урф-одатлари ва анъаналарига амал қилмасликлари халқ қадриятларини билмасликка, уларнинг қадрсизланишига олиб келади. Қадриятларда миллий рух, маънавият, кадр-қиммат каби инсоний фазилатлар ўз ифодасини топади. Ўз кадр-қимматини билиш кишини худбинликдан асрайди, ўзини бошқалар томонидан камситилишига йўл қуймайди, у фақат яхшилик қилишни ўйлайди.

Бугунги кунда ёшлардаги умуминсоний ва миллий-ахлоқий қадриятларга булган эътиборини янада юксалтириш юзасидан олиб борилаётган ислохотларни чуқурлаштириш фаолиятимизнинг устувор йўналишларидан бирини ташкил этмоқда. Бу бежиз эмас албатта, демократик фуқаролик жамиятини умуминсоний ва ислом динига булган эътиборини юксалтирмасдан туриб қуриб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов бу ҳақида шундай дейдилар; «Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истикболини тасаввур эта олмайди»¹.

Мустақиллик туфайли ёш авлодни миллий руҳда тарбиялаш шахснинг миллийлигига бевосита алоқадор бўлган фазилатларни сингдириш тамойилидан келиб чиқиб белгиланди.

Меросимиз дурдоналаридан келажак авлод тарбиясида фойдаланиш, уларни ёшлар ҳаётига тадбиқ қилиш орқали болаларда давр талаби асосида ахлоқий, эстетик, меҳнат ва жисмоний фазилатларини такомиллаштириш мумкин. Маъруза ва амалий дарсларда, одоб сабоқларида, синфдан ташқари тадбирларда, тарбиявий соат ва мулоқот дарс машғулотларида, маънавият кунларини режалаштирганда маънавий қадриятларимиздан фойдаланиш орқали ёшлар ўқишини, тафаккурини, билим олишга қизиқишини ривожлантириш, уларда ўтмиш миллий меросимиз, ислом диниимизга чуқур ҳурмат ҳиссини уйғотиш мумкин.

¹ Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. Ўзбекистон, 1997. 137 б.

Миллий мустақиллик даврида биз ёшларимизга сабоқ берар эканмиз, уларни ўзлигини англашга ўргатар эканмиз, меросимиз, қадриятларимиз, мутафаккирларимизнинг одоб-ахлоқ тўғрисидаги таълимотларидан фойдаланишимиз ва ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялашга ҳаракат қилишимиз лозим.

Фақат билимли, маърифатли инсонгина демократик тараққиётнинг барча афзалликларини қадрлай олади. Анъанавий қадриятларни ҳозирги демократик жамият қадриятлари билан уйғунлаштириш келажакда раванг топишнинг гаровидир.

Бугунги кунда мамлакатимиз цивилизациявий жамият қуриш йўлида борётган экан, унинг ўзига хос ижтимоий, сиёсий, мафкуравий, фалсафий муаммоларга дуч келмоқда. Ёшлар онги ва қалби учун қураш ва уларнинг қомил инсон руҳида тарбиялаш ана шундай долзарб мафкуравий йўналишдаги муаммолардан биридир.

Мазкур муаммо ечими Республикамизда янги давлатчилик асосларини барпо этишда, демократик, адолатли, фуқаролик, жамият қуришимизда назарий ва амалий аҳамият касб этади. Инсон онги ва қалбини эгаллаш муайян сиёсий гуруҳ, қатламларининг буюк давлатчилик шовинизми мақсадларига қаратилган бўлиб, бунда улар турли мафкуравий восита ва усулларда фойдаланадилар.

Фақат миллий ўзлигини англаган ва минг йиллар давомида шаклланган маънавий қадриятларига содиқ ёшларгина ўз эътиқодига эга бўлган ватанпарвар, юртига, элига фидойи бўла олади. Ва фақат шу пайтдагина ватан равнақиға, мустақиллиғига қисса қўша олади. Уларни бундай кишилар қилиб тарбиялаш жараёнида эса ислом динининг, буюк алломалар меросида қадриятлар тўғрисида билдирилган фикрлардан фойдаланиш аҳамиятлидир.

Халқимизнинг ўз менталитетига хос маънавий-ахлоқий қадриятлари ислом диниимизнинг асосини ташкил этади. Чунки улар ёшларнинг қалби, онгини истиқлол эътиқодини шакллантириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган қадриятлардир.

“Миллат ислом дини соҳиби, миллат таназзули-ислом дини таназзулидир.” деб кўрсатилади “Мустақиллик миллий оммабоп луғат”ида¹⁴. Ушбу фикрга қўшимча тарзда айтиш мумкинки, ислом дини миллат абадийлигини, унинг ўтмиши ва келажагини боғловчи, яшаш мақоматини белгиловчи мезондир. Чунки ислом дини ўз ичига миллатнинг урф-одати, диний ахлоқий анъанаси, маросими, менталитетига хос характери, жиҳати, психологияси, тили, дини, ўтмиш тарихи, яшаш тарзи, онги ва тафаккурига хос хусусиятларини ҳам қамраб олади. Агар миллатнинг ушбу жиҳатларидан бир томони-тили йўқолиб кетса, миллат ҳам ўз муққарарлигини йўқотади, чунки тил миллат ва давлат мақоми шаклидир.

Бугун ёшларимиз онгини тўла эгаллаш учун мафкуравий таъсир ўтказишга қаратилган “ҳаракатлар” кун сайин шиддат билан ортиб бормоқда. Улар кадриятларимизни тўлиқ англамаган ёшларга ўзларини ҳаққоний демократияни ўрнатувчи адолатпарвар қилиб кўрсатадилар. Ҳатто дунёқараши шаклланмаган ёшларни янгича, ғарбона демократияни ўрнатувчи ҳақиқат талабгорлари тарзида тарбиялаб, уларни ички муҳолифатлар қилиб тайёрлашлари сир бўлмай қолди. Уларни миллатимизнинг маънавий-ахлоқий кадрияларидан воз кечдириб, бу йўлдаги ҳаққоний жиқодга тайёр “камикадзе” қилиб етиштиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Агар ёшларимизни ислом динига содиқлик руҳида тарбияламас эканмиз, бундай ҳаракатчи кучларга қарши ёшларда мафкуравий иммунитет ҳосил қилмас эканмиз, миллий давлатчилигимиз тараққиётига, унинг келажакига болта уришга йўл қўйган бўламиз. Ёшларимизни ислом динига содиқлик руҳида тарбиялаш уларни комил инсонлар қилиб шакллантиришнинг зарурий шартидир. Зотан, бугунги кунда ёшларимиз қалби ва онгига миллий истиқлол ғоясининг комил инсон тамойилини энг аввало ўзликни англаш, миллий ғурур туйғуларини ўзида мужассамлаштирган ислом диниимиз орқали сингдириш мумкин.

¹⁴ Мустақиллик илмий-оммабоп луғат. -Т.: 1998, 105-б

Ҳар бир жамият ўз халқини муайян мақсадлар, манфаатлар йўлида уюштирувчи, яратувчиликка чорловчи таълимотлар ишлаб чиқиш кераклигига эҳтиёж сезади ҳамда уларга қарши бўлган ёвуз ғояларга қарши кураш иммунитетини шакллантириш вазифаларини ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Зеро, бугунги кунда маънавиятга, таълим-тарбияга, миллий кадрлар тайёрлашнинг барча тизимига, миллий истиқлол ғоясини, ислом динини кишилар, айниқса ёшлар онги ва қалбига сингдирмасдан туриб давлат, халқ ўз олдига қўйган ижтимоий, иқтисодий, илмий, сиёсий муаммоларони ҳал эта олмайди.

Шу мақсадлар йўлида педагог ходимлар бутун кучини ёш авлодни тарбиялашга, тўғри йўлни кўрсатишга сарф қилиши керак.

Талабалар тарбиясида буюк алломаларимиз Ал-Хоразмий, Форобий, Абу Али ибн Сино, Беруний, Термизий, А.Навоий, Улуғбек, Бобурларнинг бой ижодий мероси, ўғитлари катта аҳамият касб этади. Буюк аجدодларимиз Ватан эрки ва озодлигини улуғлаш билан бирга халқлар ўртасида тенглик ва тинчлик, ҳақиқат ва адолат, биродарлик ва инсонпарварлик ғояларини илгари сурганлар.

Бу ғоялар XX1 аср олимлари илгари сураётган миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ғоялари билан уйғунлашиб кетади. Бу эса мустақиллигимизни мустаҳкамлашнинг зарур шартларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, ўтмиш аждодларимиз яратган миллий қадрият даражасига кўтарилган турмуш тарзи, дунёқараш ҳозирги кунда умумэътироф этилган тамойилларга тўла мос келиши уларнинг нақадар ҳаётий эканлигини яна бир қарра исботлайди.

Ҳур истиқлол яловини қўлига тутган Ватанимиз мустақиллигининг илк кунларидан бошлаб ўзининг ўзлигини англаш билан бир қаторда, чин демократик давлатга хос бўлган ёшларимиз тарбиясида ислом диниимизнинг, урф-одатларимизнинг тутган ўрни жуда муҳимлигига яна бир қарра амин бўлдик. Ўзбекона урф-одатларимиз, қадриятларимиз - бу фарзандларимизни оқилона, тўғри вояга етказиб, тарбиялаш учун энг катта имкониятларга эга

маскандир. Лекин бу имкониятлар ҳамма вақт ҳам тўлиқ амалга оширилмайди. Аввалом бор ҳар бир ота-она ўз фарзандини ҳар томонлама яхши билиши, ўз боласини тўғри тарбиялаши лозим. Бунинг учун ота-оналаримиз ўз фарзандларига ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган кадриятларимиз, урф-одатларимиз борасида кўпроқ маълумот, тушунча беришлари даркордир, бунинг учун фарзандларимиз ким билан ўтириб туришини, мактабдаги ўқишини, ўзлаштиришини доимий равишда кузатиб туриш керак. Келажак ёшларимизга бундай ёндошиш уларнинг тарбиясида жуда муҳим аҳамиятга эга.

Бунинг учун эса ёшларимизни тарбиялашда аввало меҳнатга, ота-онага, ватанга бўлган муҳаббатни уйғотишимиз даркор. Ёшларимиз ўз ота-оналарида ҳақиқий меҳнатсеварни, ўз малакасини ошириб борадиган, ўз иши, корхона ютуқларини биринчи навбатда қўядиган, жамоатчини кўрса, кўз ўнгида ота-оналарининг обрўси ҳам ортиб боради. Оилада ота-онанинг бир-бирига бўлган муносабати, ҳурмати, қолаверса обрўси, ўзларининг ота-оналарига, кекса бобо – бувиларига муносабатлари болалар тарбиясига жуда катта таъсир этади. Ҳар бир ота-она ўз фарзандида ўсаётган инсонни кўришлари, унга ишонишлари, ҳар доим бола ўз ота-онасига суянишига, қандай ҳолатга тушишдан қатъий назар унга ёрдамга келишларини тушунган ҳолда ўстиришлари зарур. Бунинг учун эса болани меҳнатга қизиқтириш, ҳар қандай килинган яхши ишнинг маҳсули меҳнат орқали келишига ўргатиш руҳи билан вояга етказиш керак. Мана шундай олий мақсад сари интилаётган бир вақтда ёшларимизни авваломбор ўқимишли, билимли бўлиши билан бир қаторда, кечаги кунимиз ва бугунги кунимиз орасидаги фарқини англаймоғимиз, Ватанимизнинг эртанги тақдири ёшларимизга боғлиқлигига катта умид билан қаратмоғимиз даркор. Ватанимизнинг келажagini ёшлар яратади. Халқимиз, қолаверса юртбошимиз фарзандларимизга шунча ишонч билдираётган эканлар, ёшларимизни келажакда юртимизга керакли инсон бўлиб етишишига ҳаракат қилмоғимиз даркор. Бунга эришишнинг мазмуни эса фақатгина ҳалол меҳнат туфайли, урф-одатларимиз ҳамда

кадриятларимизни англаган ҳолда амалга оширилади. Юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек “Биз фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этишлари учун қанот беришимиз керак” деган қимматли сўзлари, катталардан йиллар давомида жисмоний ҳамда маънавий куч сарфлашдек катта маъсулиятни юклайди. Шундай экан, ёшларимизни шундай вояга етказайликки, улар ўз ҳаётлари давомида илмга чанқоқ, меҳнатни доимий эҳтиёж билиб, яшайдиган комил инсон бўлиб етишсин.

Ёшлар тарбиясида кадриятларимизнинг тутган ўрни бекиёс бўлиб, ислом диниимизнинг ўсиб келаётган фарзандларимизни тарбиялашда энг муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. Ислом диниимизни англаш билан бир каторда ўз тилимизни, анъаналаримизни, урф-одатларимизни, миллий ўзликни англаш шулар жумласидандир, бу эса фарзандларимизни касб танлаш, мустақил ҳаётга маънавий ҳамда маърифий тайёргарлик даражасини оширишдан, шакллантиришдан иборатдир.

Шу билан биргаликда ёшларга жамоатчиликнинг кўрсатадиган таъсири фақатгина назорат қилишдан иборат бўлмай, балки жамоатчилик ва оила билан ўзаро ҳамкорлик ота-оналар ўртасидаги ўзаро ҳурмат қилишга асосланади. Ҳозирги замон давр талаби ҳам ишлаб чиқариш шароити фарзандларимизнинг меҳнат тарбияси, таълими, фан-техника талаблари даражасига кўпроқ мувофиқ бўлишни талаб қилади, чунки тўғри йўлга қўйилган тарбия ёшларимизни ижтимоий фойдали меҳнатга бевосита қатнашишни, ўқишга онгли муносабатни ҳосил қилишнинг асосий омилларидан биридир. Ёшларни уй-рўзғор ишларига жалб қилиш, қўлидан келадиган ишларни бажаришга ўргатмоқлик ҳақида, касб ва ҳунар сиралрини эгаллаш зарурати ҳақида мутафаккирларимиз асарларидан фойдаланиш лозим, чунки уларнинг таълим олишдаги муваффақияти ҳам оиладаги тарбиянинг қай шаклда йўлга қўйилганлигига боғлиқ бўлади.

Ислом дини миллатнинг тарихи, турмуш тарзи, маънавияти ва маданияти билан ўзаро боғлиқ ҳолда юзага келади. Халқимизнинг асрлардан-асрларга мерос бўлиб келган ислом динии узоқ тарихий даврларни бошидан

кечирди. Она юртга муҳаббат, авлодлар меросига содиқлик, катталарга ҳурмат, бошқа халқларга ўхшамайдиган урф-одатлар, маросим ва анъаналарда ислом диниимиз ўз ифодасини топган.

Шўролар тузуми даврида унутилиб кета бошлаган бешик тўй, суннат тўй, қиз узатиш тўйи, пайғамбар ёшига етганлигини нишонлаш каби урф-одатлар қайта тикланди. Миллий ҳудуд, макон бундай қадриятларни яратиш, уларнинг энг яхшилари элақдан ўткизиб, танлаб олишнинг асосий ўрни, у ислом динининг энг муҳимларини юксалтиради ва умуминсоний қадриятларга олиб чиқади. Айниқса, ҳақиқатни талқин этишни, бунда синфий, фирқавий, табақавий, уруғ-аймоқчилик, бир-бирини ғаразли қўллаб-қўлтиқлаб юбориш билан боғлиқ манфаатларининг бирлиги каби собиқ мустабид тузумга хос усул, воситаларни қўллаш мумкин эмас. «Маънавийлик ва инсонпарварлик, республика ҳудудида яшаётган барча халқларнинг анъаналарини ва урф одатларини, дини, тили ва маданиятини ҳурмат қилиш қоидаларига устуворлик берилиши»¹⁵ керак.

Ижтимоий сиёсат, маданият ва санъат соҳаларида Ўзбекистонда «Маънавийлик ва ахлоқийлигини қайта тиклаш, халқларнинг маданий меросига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш, ўзбек халқи яратган ва миллий маънавий тараққиёт омили бўлган санъат асарларни излаб топиш ва Ўзбекистонга қайтариш; қадимги ва замонавий маданий-маънавий қадриятларни, адабиёт ва санъатни билиш ва кўпайтириш»¹⁶ га асосий диққат–эътибор қаратилиши лозим.

¹⁵ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёти йўли. –Т.: 1992. – 12 б.

¹⁶ Ўша аср. -18 б.

ХУЛОСА

Мустақиллик йилларида илдам кадамалр билан маънавий ҳаётимизга кириб келиб, онгимизда ўрнашган, бизнинг кудналик ва назарий онгимизда ўз ўрнига эга бўла бошлаган тушунча- «диний қадрият» узоқ тараққиёт йўлини босиб ўтган. Истиқлол йилларида бу тушунча жамият ҳаётига кириб кела бошлаши билан уларни илмий тадқиқ қилиш, жамиятдаги ўрнини белгилаб беришга бир қанча уринишлар бўлди.

Халқимизнинг миллий ва диний мероси, юксак маънавий қадриятларини чуқур ва атрофлича ўрганиб, уларни мустақил ўлкамизда яшовчи ҳар бир инсоннинг онгига сингдириш, айниқса ёш авлодни маънавий етук, фидоий, миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш, уларни фидоий кишилар қилиб шакллантириш ҳозирги кунда энг долзарб масалалардан бирига айланди.

Биз миллий ва диний қадриятларнинг жамиятда ўрнини белгилашга киришар эканмиз, ислом динининг турли даврларда, турли тарихий шароитларда турлича шаклда, ўзига хос равишда намоён бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Ўтмишда ислом дини ва умуминсоний қадриятлар алоқадорлиги зиддиятли, қарама-қаршиликларга, инсонийликка зид тўсиқларга учраб тараққий этган бўлишига қарамай, улар, умуман олганда, тараққий этиб, ривожланиб борганлар. Давр ўтиши, вақт ва замон ўзгариши, жамият тараққиёти билан одамларнинг ҳатти-ҳаракати, тиурмуш тарзи, бошқалар билан муносабати, меҳр-оқибати, ўзаро ёрдами, эзгуликка интилиш, жаҳон мамлакалари ва халқлари қадриятлари билан интеграциялашиш натижалари шакллана борди.

Ислом динининг ривожланиш жараёнлари ва қонуниятларини пухта ўрганмасдан ва ўзлаштирмасдан ҳозирги вақтда жаҳон цивилизациясига, маданиятига «силлиқ» қўшилиб кетиш, фуқаролик, инсонпарвар жамиятини қуриш мушкул. Чунки ислом дини ўзида инсонпарварлик, ватанпарварлик, толерантлик каби бир қанча умуминсоний қадриятларни ҳам мужассамлаштирган бўлиб, кўп асрлар давомида кишилараро муносабатда

шаклланган одабийлик ҳислатлари, юксак фазилатлари, миллий ва умуминсоний ахлоқий нормаларни ўз ичига олган. Модомики, шундай экан, диёримизда яшаб ижод этган қомусий олимлар, дин пешволари ва мутасаввуф алломаларнинг ислом динига берган эътибори, панд-насихатлари, ибратомуз ва ҳикматли сўзларни ўрганишга эътиборни янада кучайтириш керак.

Шуни алоҳида кўрсатиб ўтиш керакки, гарчи мустақиллик йилларида маънавий-ахлоқий ва инсонпарварлик қарашларни тадқиқ қилиш, ислом динини ўрганиш, уларни ёшлар онги ва шуурига сингдириш борасида кўп ишлар қилинган бўлса-да, ҳали булар етарли эмас. Шу вақтгача фалсафа, педагогика ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича дарслик ҳамда қўлланмаларда миллий мерос ва ислом дини ва умуман қадриятлар масаласига кам жой ажратилган. Уларда миллий ва умуминсоний қадриятлар, улар ўртасидаги алоқадорлик кенгроқ ёритилса, мақсадга мувофиқ бўлиб, ёш авлодни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш жараёнини тезлаштиради.

Юқоридагилар асосида қуйидагича хулосаларга келдик:

-қадриятлар инсоният ҳаётида етакчи ўрин тутувчи, ўзига хос ҳодисалардан биридир. Миллий ва умуминсоний қадриятлар доимо ўзаро бир-бирига таъсир қилиб келганлар;

-ислом дини умуминсоний қадриятлар каби жамият тараққиётида муҳим ўрин тутади;

- мустақиллик йилларида халқимизнинг минг йиллик урф-одат ва анъаналари, ислом дини тиклданди, янада такомиллаша бошлади;

-Марказий Осиё қомусий олимлари илмий асарларида миллий ва умуминсоний қадриятлар етарли баҳосини олган;

-Марказий Осиёдан етишиб чиққан ислом ва тасаввуф мутафаккирлари инсон камолотида ислом дини ўрни беқиёс эканлигини таъкидлаганлар;

-миллий ва умуминсоний қадриятлар ёшларни яхшиликка, ҳақиқий комил инсон бўлишга етаклайдиган муҳим омилдир.

Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида илдамлаб бораётган мустақил Ўзбекистон тарихан жуда қисқа даврда улкан ютуқларга эришди ва эришмоқда. Миллий маънавиятимиз ва қадриятларимиз тикланди, миллий ўзлгимизга қайтдик. Тинчлик ва барқарорлик кундалик ҳаётимизнинг узвий қисмига айланди.

Айни пайтда, осуда ҳаётимизни издан чиқаришга уринаётган ёвуз кучларнинг мавжудлигини ҳам қайд этиш лозим. Шу нуқтаи назардан караганда, тинчликни асраш, уни асраб-авайлаш бугунги кунда ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Мавжуд таҳдидларнинг моҳиятини англаш осойишталикни таъминлашнинг бирламчи шарт и ҳисобланади. Юртимизга нисбатан бундай таҳдидлар, аввало, диний ақидапарастлик, мутаассиблик, экстремизм ва террорчилик каби ҳодисалар кўринишида намоён бўлмоқда.

Ислом инсонпарвар дин. У барча инсоний туйғу ва қадриятларни улуғлайди ва кишиларни шунга ўргатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1991 йил 11 апрель ва 20 июндаги Фармонларига биноан "Ийд ал-Фитр" (Рамазон) ва "Ийд ал-Адҳо" (Қурбон) ҳайитлари дам олиш куни деб эълон қилинди. Истиқлол даврида 100 мингга яқин юртдошларимиз ҳаж ибодатини адо этишга муяссар бўлдилар. Ҳар йили бошқа диний жамоаларнинг юзлаб вакиллари Исроил ва Россиядаги муқаддас зиёратгоҳларга бориб келмоқдалар.

2004 йил апрелда республикадаги турли конфессиялар ўртасида тотувлик ва бағрикенглик тамойилларини янада мустаҳкамлаш, миллатлараро ва динлараро ҳамжиҳатлик юзасидан таклифлар ва чоратадбирларни биргаликда ишлаб чиқиш мақсадида Дин ишлари бўйича қўмита қошида конфессиялар ишлари бўйича Жамоатчилик кенгаши ташкил этилди.

Аждодларимиз олтин меросини мукаммал ўрганиш ва олий маълумотли кадрлар тайёрлаш мақсадида Президентимизнинг фармонлари

билан 1999 йилда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети очилди. Унда бугунги ёш авлодга улкан ва бой маданиятимизнинг узвий масалалари бўлмиш ислом назарияси, тарихи, фалсафаси, ҳуқуқшунослиги, маданияти ва ахлоқи, табиий фанлар чуқур ўргатилмоқда. Бу илм маскани халқимиз маънавиятини юксалтиришга, тарихи минг йилдан кўхнароқ исломий меросни янада теранроқ ўрганиш, динимиз равнақи, унинг тараққиётига хизмат қиладиган, диний ва дунёвий-замонавий билимларни пухта эгаллаган мутахассисларни тайёрлашга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига яна бир янги мисол тариқасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ҳазрати имом (ҳастимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги 2007 йил 20 февралда имзоланган қарорини келтириш мумкин. Ушбу қарорда "Ҳазрати Имом" мажмуасининг тарихимиз, маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти инобатга олиниб, унинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг қўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантириш кун тартибига қўйилди. Бу савобли ишларга тезкорлик, куч-ғайрат билан киришилди ва қисқа муддатларда маҳобатли мажмуа барпо этилди. Бу жараёнда обидаларни нафақат қайта тиклаш ва таъмирлаш, айтилиши вақтда уларнинг ён атрофидаги ўзига хос табиий маҳитни асл ҳолида сақлаб қолиш каби масалаларга ҳам жиддий эътибор қаратилди.

Фан, таълим ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти бўлмиш АЙСЕЕСКО томонидан Тошкент шаҳрига 2007 йилда "Ислом маданияти пойтахти" деган ном берилиши мамлакатимиз ҳаётидаги улкан маданий-маънавий воқеа бўлиб, халқимиз томонидан катта қувонч билан кутиб олинди. Шарқ дарвозаси деб ном олган азим Пойтахтимизнинг ана шундай юксак мақомга эришгани нафақат халқимизга, айтилиши вақтда яқин ва узоқдаги дўстларимизга ҳам ғурур ва ифтихор бағишламоқда.

Ҳукумат қарорлари билан юртимиздан етишиб чиқиб, ислом оламида шуҳрат қозонган алломалар – Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 (сентябрь, 1993), Хожа Аҳрор Валийнинг 590 (ноябрь, 1995), Маҳмуд Замахшарийнинг 920 ва Нажмиддин Кубронинг 850, Имом Бухорийнинг 1225 ва Аҳмад Фарғонийнинг 1200 (октябрь, 1998), Имом Мотуридийнинг 1130 ва Бурҳониддин Марғилонийнинг 910 (ноябрь, 2000) йиллик юбилейлари кенг нишонланди. Уларнинг номи билан боғлиқ қадимий ёдгорлик мажмуалари обод қилинди ва янгилари барпо этилди.

Президентимиз мустақиллигимизнинг маънавий-ахлоқий негизлари тўғрисида тўхталиб, бу негизлар умуминсоний қадриятларга содиқлик; халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш; инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиш; ватанпарварлик¹⁷ эканлигини кўрсатиб ўтганлар.

Ислом динимиз, урф-одат ва анъаналаримизни қайта тикланиб янада ривожлангандагина жамиятимизда ўтказилаётган ислохотлар муваффақиятли амалга ошади, чунки маънавий баркамол, маърифатли, руҳан бардам, янгича фикрлаш қобилиятига эга инсонгина истиқлол ва тараққиёт йўлини шараф билан ўта олади.

¹⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.: Ўзбекистон, 1996. I-том. - Б. 76.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТ РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., 2004.
2. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Т.: Ўзбекистон, 1999.
3. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-жилд. - Т., 2004.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.Т., «Ўзбекистон», 1997.
5. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашамиз. 10-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2002.
7. Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. - Т.: “Маънавият”, 2008.
8. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида (янги таҳрири). Ўзбекистон Республикаси Қонуни. - Т.: Адолат, 1998.
9. Абдуллажонов О. Диний ақидапарстликнинг келиб чиқиши, моҳияти ва Ўзбекистонга кириб келиши.— Т.: Академия, 2000.
10. Давлат, жамият ва дин. — Т.: “Akademiya”. 2006.
11. Диний бағрикенглик ва мутаассиблик (юз саволга - юз жавоб). — Т.:Тошкент ислом университети. 2009.
12. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари Ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир А.Очилдиев. — Т.: Тошкент
13. Пахрутдинов Ш.И., Жўраев Т.А. Дунёвий давлатчилик ва сиёсийлашган динийлик. — Т.: “Akademiya”, 2008.
14. Қуръони карим маъноларининг таржимаси ва тафсири. Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансуров. - Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.

15. Зоҳидий А. Туркистонда ўрта аср араб-мусулмон маданияти. – Т.: ГФНТИ, 1993.
16. Маънавият юлдузлари. (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар). М. Хайруллаев таҳрири остида. -Т.: 2001.
17. Мустақиллик илмий-оммабоп луғат. Т.: 1998.
18. Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. Т.: 2004
- Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. - Т.: 1997. –240-б.
19. Тиллаев С., Инсопова Г. Замон, мафкура ва ёшлар. ЁҒ Миллий истиқлол ғояси тарғиботининг илмий асослари. –Т.: 2002.
20. Хайруллаев М. Марказий Осиёда илк уйғониш даври маданияти. Т.: 1994.
21. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. 1 жузъ. Мукаддима. –Т.: 2004.
22. Эминов А.М., Қаршибоев Ҳ.Қ. Бакалаврият таълим йўналиши битирувчилари учун битирув малакавий ишларни таёрлаш ва ҳимоя қилишга оид услубий кўрсатмалар. –Гулистон: 2010.
23. [www. sufism. Ru](http://www.sufism.Ru)
24. www. mail.ru/religion/islam
25. www.ziyo.net
26. www. rambler.ru/top100/religion.

**Ўзбекистон республикасининг виждон эркинлиги ва диний
ташкилотлар тўғрисидаги қонуни
(Янги таҳрири)**

- 1-модда. Ушбу қонуннинг мақсади
- 2-модда. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари
- 3-модда. Виждон эркинлиги ҳуқуқи
- 4-модда. Фуқароларнинг динга муносабатидан қатъи назар тенг ҳуқуқлилиги
- 5-модда. Диннинг давлатдан ажратилганлиги
- 6-модда. Давлат органларининг ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг диний ташкилотлар билан ўзаро муносабат борасидаги ваколатлари
- 7-модда. Таълим тизими ва дин
- 8-модда. Диний ташкилотлар
- 9-модда. Диний ўқув юртлари
- 10-модда. Диний ташкилотнинг устави
- 11-модда. Диний ташкилотларни рўйхатга олиш
- 12-модда. Диний ташкилотни рўйхатга олишни рад этиш
- 13-модда. Диний ташкилотнинг фаолиятини тугатиш
- 14-модда. Диний урф-одатлар ва маросимлар
- 15-модда. Диний ташкилотларнинг мулки
- 16-модда. Давлат мулки бўлган мол-мулкдан фойдаланиш
- 17-модда. Ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти
- 18-модда. Фаолиятини тугатган диний ташкилотларнинг мол-мулкини тасарруф этиш
- 19-модда. Диний адабиёт ва диний мақсадларга мўлжалланган буюмлар
- 20-модда. Диний ташкилотларнинг хайрия фаолияти
- 21-модда. Диний ташкилотларда меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар
- 22-модда. Диний ташкилотларнинг халқаро алоқалари
- 23-модда. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Маълумотларга кўра, сўнгги беш йил ичида дунёнинг 120 дан ортиқ мамлакатада 15 мингдан кўп террорчилик амалиёти содир этилган. Уларнинг мутлақ кўпчилиги Ер юзининг турли минтақаларида жойлашган, ўзига хос этник, диний ёки бошқа шаклдаги муаммолар мавжудлиги билан ажралиб турадиган

1. Ироқ (4606),
2. Иорданнинг ғарбий қирғоғи (1927),
3. Колумбия (1135),
4. Испания (732), Таиланд (619),
5. Афғонистон (591),
6. Ҳиндистон (509),
7. Покистон (504),
8. Туркия (477),
9. Исроил (463),
10. Франция (446),
11. Непал (379),
12. Россия (284),
13. Греция (230),
14. Филиппин (213),
15. Индонезия (197),
16. Шри-Ланка (131),
17. Италия (125)
18. Бангладеш (111) худудларида амалга оширилган.

**Ҳозирги дунёда давлат ва диннинг ўзаро муносабатларига қараб
қуйидаги гуруҳлар нисбатан фарқланади:**

- Динга давлат дини мақоми берилган давлатлар (Қатар, Покистон, Коста-Рика);
- Черков таъсири доирасидаги давлатлар (Дания, Буюк Британия, Шимолий Ирландия);
- Дунёвий давлатлар ёки диний муносабатларда бетарафлик йўлини тутувчи давлатлар (Бурунди, Мадагаскар, Нигер, Туркия, Чад);
- Расмий динга эга бўлмаган давлатлар (Аргентина, Белорусь, Боливия, Гана, ГФР, Гондурас, Испания, Италия, Кабо-Верде, Маврикия, Словакия, Судан, Таиланд, Чехия);
- Дин давлатдан ажратилган давлатлар (АҚШ, Голландия, Перу, Португалия, Россия, Франция, Украина, Ўзбекистон);
- Католик черкови билан келишувга эга давлатлар (Австрия, Венгрия, Венесуэла, Гаити, ГФР, Доминикан Республикаси, Испания, Ливия, Мальта, Монако, Марокеш, Польша, Сан-Марино, Қозоғистон);
- Ҳукукий эътироф этилган диний гуруҳларни муҳофаза қилувчи давлатлар (Испания, Италия, Кабо-Верде, Чехия);
- Диний-жамоавий тизимга эга давлат (Исроил).

**Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларнинг
рўйхатга олиниши ҳақида маълумотнома**

(01.01.2011 йил)

№	Диний конфессиялар номи	Жами
1.	Ислом	2050
2.	Рус Православ черкови	38
3.	Рим-католик черкови	5
4.	Евангел христиан-баптистлар черкови	23
5.	Тўлиқ инжил христианлар черкови	21
6.	Еттинчи кун христиан-адвентистлар черкови	9
7.	Евангел-лютеранлар черкови	3
8.	Новоапостол черкови	4
9.	Иегов гувоҳлари черкови	1
10.	Арман Апостоллик черкови	2
11.	Голос Божий христиан черкови	1
12.	Корейс протестант черковлари	52
13.	Яхудий диний жамоалари	8
14.	Баҳой диний жамоалари	6
15.	Кришнани англаш жамияти	1
16.	Будда ибодатхонаси	1
17.	Библия китоб жамияти ташкилоти	1
	Ўзбекистон бўйича жами	2226

Қуръони каримнинг номланиши ҳақида

Жалолиддин ас-Суют фикрича 55 номи бор.

Улар: -Китоб,

-Фурқон,

-Ҳақиқат,

-Калом,

-Илм,

-Бурхон ва бошқалар.

Қуръонни бўлиниши:

1.Ҳарф. 323671 (338606)

2.Сўз. 77934 (79934)

3.Руку. Жузни 10/1 бўлаги.

4.Руб. Жузни 4/1 бўлаги.

5.Сулс. Жузни 3/1 бўлаги.

6.Нисф. Жузни 2/1 бўлаги.

7.Жуз. Қуръонни 30/1 бўлаги.

8.Манзил. Қуръонни 7/1 бўлаги.

МУНЖАРИЖА

КИРИШ.....	
I- БОБ. ИСЛОМ ДИНИНИНГ ЖАМИЯТ МАЪНАВИЙ ҲАЁТИДА ТУТГАН ҶУРНИ.....	
1.1. Ислом таълимоти ва жамият ҳаёти.....	
1.3. Мустақиллик ва ислом таълимоти.....	
II- БОБ. МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИ.....	
2.1. Мафкуравий тарбия тушунчаси.....	
2.2. Миллий ғоя тарғиботининг воситалари.....	
III-БОБ. ИСЛОМ ДИНИ - МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ.....	
3.3. Ислом динидаги бунёдкор ғоялар.....	
3.4. Ислом дини ғоявий тағибот воситаси сифатида.....	
Х У Л О С А.....	
ҒОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	
ИЛОВАЛАР.....	

.